



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ

3.2
МОДУЛ

БОШҚАРУВДА Дастурий Воситалар

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

БОШҚАРУВДА ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

**Малака
йўналиши:**

**Ўқув ишлари бўйича директор
ўринбосарлари ҳамда маънавий-
маърифий ишлари бўйича директор
ўринбосарлари малака тоифалари учун**

**Тингловчилар
контингенти:**

**Умумий ўрта таълим, ихтисослашган
мактаб-интернати, ихтисослашган
давлат умутаълим мактаблари ўқув
тарбия ҳамда маънавий-маърифий
ишлари бўйича директор
ўринбосарлари**

Тошкент – 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил _____ даги _____ -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари ҳамда маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарлари малака тоифалари учун малакасини ошириш тоифа йўналиши ўқув режаси ва дастури асосида тайёрланди.

Тузувчилар: А.А.Махкамов – Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Аниқ ва табиий фанлар методикаси” кафедраси мудири, т.ф.н.

С.С.Жуманазаров – Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Аниқ ва табиий фанлар методикаси” кафедраси доценти, т.ф.н.

С.Э.Низомхонов – Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Аниқ ва табиий фанлар методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар: Н.И.Тайлоқов-Т.Н.Қори Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, п.ф.д., профессор
Н.М.Халикова – Тошкент вилояти, XTXҚТМОҲМ “Аниқ ва табиий фанлар методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси

Ўқув-услубий мажмуа А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2018 йил _____ даги _____ - сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР	20
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	77
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	88
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	91
VII. ГЛОССАРИЙ.....	93
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	97

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳукуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳукуқ ва эркинликларини, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик мухитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, ҳалқимизнинг муносаб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва қасб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Янги шароитлардан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021 - йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3931, шунингдек Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этади.

“Бошқарувда дастурий воситалар” модулининг ишчи ўқув дастури ҳалқ таълими ходимлари ва ўқитувчиларималакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у умумий ўрта таълим, ихтисослашган мактаб-интернати, ихтисослашган давлат умутаълим мактаблари ўқув тарбия ҳамда маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарларига ўз фаолиятиларида дастурий воситаларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнингмақсади: Умумий ўрта таълим, ихтисослашган мактаб-интернати, ихтисослашган давлат умутаълим мактаблари ўқув тарбия ҳамда маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринbosарларини малака ошириш жараёнида таълимни бошқаришнинг электрон контентни яратиш ҳамда электрон хужжат алмашиниш тизими билан ишлаш компетенцияларини ривожлантириш.

Модулнинг вазифалари:

- Умумий ўрта таълим, ихтисослашган мактаб-интернати, ихтисослашган давлат умутаълим мактаблари ўқув тарбия ҳамда маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринbosарлариларининг таълим тизимини бошқаришда дастурий воситаларни қўллай олишлари ҳақидаги билим ва кўникмаларни ривожлантириш;
- Дастурий воситалар орқали дидактик электрон контентниларини яратиш;
- педагогик дастурий воситалар ва Web технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини бошқаришни ташкил қилиш имкониятлари билан таништириш;
- Умумий ўрта таълим, ихтисослашган мактаб-интернати, ихтисослашган давлат умутаълим мактаблари ўқув тарбия ҳамда маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринbosарлариларининг таълим жараёнларида электрон хужжат алмашиниш тизимидан фойдалана олиш компетенцияларини ривожлантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмавамалакаси ва компетенцияларига қўйиладиганталаблар

Тингловчи:

- касбий фаолиятда педагогик дастурий воситалар, Web технологиялари, электрон ресурслар, электрон хужжат алмашиниш тизими, масоғавий таълим, ахборот хавфсизлиги каби тушунчаларни **билиши**;

- касбий фаолиятда педагогик бошқарув дастурий воситаларда ишлаш, таълимни бошқаришда электрон контентни яратиш, электрон ҳужжат алмасиниш тизимидан фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш **кўникмаларига эга бўлиши;**
- амалий дастурларнинг фарқли жиҳатларини ажрата олиш, таълимни бошқаришда электрон контентни яратиш, электрон ҳужжат алмасиниш тизимидан фойдаланиш, маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш **малакаларга эга бўлиши;**
- замонавий ахборот коммуникация технологияларидан касбий фаолиятда фойдаланиш, таълимни бошқаришда электрон контентни яратиш, электрон ҳужжат алмасиниш тизимидан фойдаланиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Бошқарувда дастурий воситалар модулини ўқитиш назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

- Назарий машғулотларда таълим жараёнини бошқаришдаги дастурий воситаларлари ёрдамида электрон контентни яратиш ва Электрон ҳужжат алмасиниш тизимилар ҳақида маълумотлар берилади;
- Амалий машғулотлардатайлимни бошқаришда электрон контентни яратиш, электрон ҳужжат алмасиниш тизимлари билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув “Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнларининг хукуқий-меърий асослари”, “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат” ва “Мутахассислик фанлари” блоклари блоклари ҳамда ҳамда “Таълимда замонавий ахборот коммуникация технологиялари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг услугбий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (назарий) фаннинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўниқмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг давлат талабларига ва таълим тизими эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-хуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларни педагогнинг бошқарув фаолиятида дастурий воситалар билан таништириш, уларни амалда қўллаш ва шу орқали таълим самарадорлигини таъминлаш.

3.2. Бошқарувда дастурий воситалар модули

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув нокламаси	Жумладан			Мустакил таълим
				назарий	амалий	кучма машрутот	
1.	Таълим тизимини бошқаришда дастурий воситалар	2	2	2			
2.	Таълимни бошқаришда электрон контентни яратиш	2	2		2		
3.	Электрон хужжат алмасиниши тизими	4	2		2		2
Жами		8	6	2	4		2

НАЗАРИЙМАШҒУЛОТЛАРМАЗМУНИ

1-мавзу: Таълим тизимини бошқаришда дастурийвоситалар(2 соат)

Таълим тизимини бошқаришда педагогик дастурий воститалар. Web технологиялар. Масофавий таълим ва ахборот хавфсизлиги.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Таълимни бошқаришда электрон контентни яратиш(2 соат)

Ўқитиш ва таълим жараёнлари самарадорлиги оширишда IspringSuiteva бошқа дастури имкониятларидан фойдаланиш.

2-мавзу: Электрон ҳужжат алмашиниш тизими(2 соат).

Таълимда тизиминида электрон ҳужжатлар билан ишлаш ва электрон ҳужжат алмашиниш тизимидан фойдаланиш.

Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Ўқув модули бўйича берилган топшириклар асосида электрон ресурсларини ишлаб чиқилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган топшириклар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (топшириклар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

3.2

МОДУЛ

**МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” методи

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бүйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методdir. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд.

Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар.

Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласди.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга караб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошлангич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

- Билдирилган фикр-ғоялар мухокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
- Ҳар бир таълим оловчи қатнашиши шарт.



“Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим оловчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим оловчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим оловчиларнинг фикр-ғоялари (магнителефонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим оловчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;

- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошлангич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.


“Ақлий хужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талабэтилиши.

“ДАВРА СУҲБАТИ” методи

“ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ – айлана стол атрофига берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилартомонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатидатълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ваайлана бўйлаб ҳар биртаълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнгмуҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



Белгилар:

1-таълим олувчилар

2-айлана стол

Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра сұхбатида ҳам стол-стуллар айланы шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айланы бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йифиб олинниб, таҳлил қилинади.

“Давра сұхбати” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурухда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варакалари”дан бирига жавоб ёзди ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варакалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва тахлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гурухдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“БАҲС-МУНОЗАРА” методи

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ- бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак. “Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини қўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларнитинглаш маданияти;

- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим оловчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволгабилдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим оловчилардан бирини котиб этиб тайинлади. Бу босқичда таълим берувчи таълим оловчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим оловчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва тахлил қиласи.
5. Тахлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:

- таълим оловчиларни мустақил фикрлашга ундейди;

- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

“Баҳс-мунозара” методининг қамчиликлари:

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

“КЕЙС-СТАДИ” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> • якка тартибдаги аудио-визуал иш; • кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); • ахборотни умумлаштириш; • ахборот таҳлили; • муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> • индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; • муаммоларни долзарблиқ иерархиясини аниқлаш; • асосий муаммоли вазиятни белгилаш

<p>3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширифининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> • индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; • муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; • ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; • муқобил ечимларни танлаш
<p>4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • якка ва гурӯҳда ишлаш; • муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш; • ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; • якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш.

**НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Мавзу.Таълим тизимини бошқаришда дастурийвоситалар

РЕЖА:

1. Таълим тизимини бошқаришда педагогик дастурий воситалар
2. Web технологиялар.
3. Масофавий таълим ва ахборот хавфсизлиги

Таянч сўзлар: ПДВ, намойиш қилиши дастурлари, тест дастурлари, ўргатувчи дастурлар, машқ қилдиргичлар, портал, педагог, мониторинг, масофавий таълим, Электрон хужжат, ахборот хавфсизлик, Web технология.

1. Таълим тизимини бошқаришда педагогик дастурий воситалар

Педагогик дастурий воситалар – компьютер технологиялари ёрдамида ўкув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик восита ҳисобланади. Улар таълим жараёнини самарадорлигини оширишнинг истиқболли шаклларидан бири ҳисобланиб, замонавий технологияларнинг ўқитиши воситаси сифатида ишлатилади. Педагогик дастурий воситалар таркибиға: ўкув фани бўйича аниқ дидактик мақсадларга эришишга йўналтирилган дастурий маҳсулот (дастурлар мажмуаси), техник ва методик таъминот, қўшимча ёрдамчи воситалар киради.

Педагогик дастурий воситаларни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- ўргатувчи дастурлар – ўқувчиларнинг билим даражаси ва қизиқишлиридан келиб чиқиб янги билимларни ўзлаштиришга йўналтиради;
- тест дастурлари – эгалланган билим, малака ва кўнималарни текшириш ёки баҳолаш мақсадларида қўлланилади;
- машқ қилдиргичлар - аввал ўзлаштирилган ўкув материалини тақорглаш ва мустаҳкамлашга хизмат қиласи;
- ўқитувчи иштирокидаги виртуал ўкув муҳитини шакллантирувчи дастурлар.

Педагогик дастурий воситалар яратишига қўйиладиган талаблар.

Педагогик дастурий воситаларни яратиш технологиясини амалга ошириш мақсадида уларнинг анъанавий воситалардан устунлигини тасдиқловчи қатор ижобий омиллар мавжуд. Мазкур омиллар дидактик, психологик, иқтисодий, физиологик гурухларга ажратилди.

Педагогик дастурий воситаларга қўйиладиган **дидактик талабларга** қўйидагилар киради: илмийлик, тушунарли, қатъий ва тизимли баён этилиши билан биргаликда (педагогика, психология, информатика, эргономиканинг асосий тамойилларини, замонавий фаннинг фундаментал асосларини ҳисобга олиб, ўқув фаолияти мазмунини қуриш имкониятини таъминлаш), узлуксизлик ва яхлитлик (илгари ўрганилган билимларнинг мантикий оқибати ҳамда тўлдирувчиси ҳисобланади), изчиллик, муаммолилик, кўргазмалилик, фаоллаштириш (ўқитиши мустақиллиги ҳамда фаоллилик хусусиятининг мавжудлиги), ўқитиши натижаларини ўзлаштириш мустаҳкамлилиги, мулоқотнинг интерфаоллилиги, ўқитиши, тарбиялаш, ривожлантириш ва амалиётнинг яхлит бирлиги.

Методик талабларга қўйидагилар киради: аниқ ўқув фанининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, маълум бир фанинг ўзига хослигини ҳисобга олиш, ахборотни замонавий методлари ўзаро боғлиқлилиги, ўзаро алоқадорлилиги, турли-туманлиги, амалга оширилиши.

Психологик талабларга идрок этиши (вербал-мантикий, сенсор-перцептив), тафаккур (тушунчавий-назарий, кўргазмали-амалий), дикқати (қатъийлилиги, бошқага кўчиши), мотивация (ишлашда фаол шакллари, юқори даражада кўргазмалилик, ўз вақтида қайта алоқа ёрдамида ўқувчиларнинг юқори даражадаги мотивацияларини доимий равишда рағбатлантириш), хотира, тасаввuri, ёши ва индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш (эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиб, ўқув фани мазмуни ҳамда ўқув масалалари мураккаблик даражаси ўқувчиларнинг ёш имкониятлари ва индивидуал хусусиятларига мос келиши, ўқув материалини

ўзлаштиришда ортиқча хис-хаяжонли, асабий, ақлий юкламалардан таъсиrlанишдан ҳимоялаш) киради.

Техник талабларга шахсий компьютерлар ва уларнинг ташқи қурилмалари, тест ўтказиладиган манбалар киради.

Тармоқ талабларига «мижоз-сервер» архитектураси, Интернет-навигаторлар, тармоқ операцион тизимлари, телекоммуникация, бошқарув воситалари (ўқитиш жараёнини индивидуал ва жамоавий ишлари, ташқи қайта алоқа) киради.

Эстетик талабларга қуйидагилар киради: тартибилик ва ифодалилик (элементлари, жойлашиши, ўлчами, ранги), безашнинг функционал вазифаси ва эргономик талабларга мослиги.

Махсус талабларга қуйидагилар киради: интерфаоллик, мақсадга йўналганлик, мустақиллик ва мослашувчанлик, аудиолаштириш, кўргазмалик, кириш назорати, интеллектуал ривожланиш, дифференциациялаш(табақалаштириш), креативлик, очиқлик, қайта алоқа, функционалилик, ишончлилик.

Эргономик талабларга қуйидагилар киради: дўстоналик, фойдаланувчига мослашиш, экран шаклларини ташкил этиш.

Методик талаблар педагогик дастурний воситалар асосида ўқитишга мўлжалланган ўқув фанининг ўзига хос хусусиятларини, унинг қонуниятларини, изланиш методлари, ахборотга ишлов беришнинг замонавий усууларини жорий қилиш имкониятларини ҳисобга олишни кўзда тутади.

2. Web – технологиялар

Педагогик дастурний воситаларнинг гиперматн ҳужжатларини ишлаб чиқиша MicrosoftFront-Page (HTML-HyperTextMarkupLanguage), AlliareHomeSite (HTML), MicrosoftPowerPoint, MicrosoftWord каби дастурний воситалардан фойдаланилади.

Мавзунинг асосий тушунчаларига оид ўқув материалларини яратишда растрли ёки векторли расмлар билан ишловчи дастурлардан фойдаланиш зарур

бўлади. Уларқаторига Corel Draw, Corel Xara, Corel Photo Paint, Adobe Photo Shop, Adobe Illustrator кабиларниритишмумкин.

Динамикиллюстрацияли ўқувматериалларияратиша Discreet 3D Studio MAX, Alais Wave Front, Maya, Light Wave, SoftImage 3d, Adobe Image Ready, Gif Animator, Macromedia Flash, Adobe Premier кабимахсусдастурлардан фойдаланилади.

Овозлижараёнларнита қдим этишва овознита хирқилиш SonicFoundry SoundForge, Wave Lab, Sound Recorder вабошқада стурлар ёрдамида амалга оширилади.

Маълумотлар базаларинияратиша Microsoft Excel, Microsoft Access кабидастурлар кўлланилади.

Қўйидап педагогик дастурий воситалар яратишида қўлланиладигандастурий воситалар тизими нинг боғланиши аксэттирилган. Расмдан кўриниб турибдики, матнли процессорлар ва маҳсус дастурлар ёрдамида педагогик дастурий воситаларни яратишида, фойдаланувчи ундан қисман фойдалана олмаслик билан боғлиқ муаммолар туғилиши мумкин. Фойдаланувчи педагогик дастурий воситалар яратилган дастурий таъминотга эга бўлиши шарт.



Педагогик дастурий воситаларни Интернет тармоғига жойлаштиришда HTML гиперматн хужжатларидан фойдаланилади, чунки у Интернет тизимининг гиперматни тили ҳисобланади ҳамда унда яратилган ҳужжатларни ўқиш дастури Microsoft Windows нинг операцион тизими таркибига киради. Шуни таъкидлаш жоизки, бунда педагогик дастурий воситаларнинг имкониятлари ва мукаммаллиги фақат дастурчининг қобилият даражаси билан чегараланади. Мультимедиа дастурий маҳсулотларини яратиш учун жуда катта тайёргарлик зарур. Бўлғуси мутахассис нафақат қўплаб дастурлаш тилларини, балки ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар яратишнинг методик тамойиллари бўйича билимларни эгаллаши лозим. Бу ерда тайёргарликни қуидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- информатиканинг умумий асослари;
- графика билан ишлаш;
- овоз билан ишлаш;
- интеграциялашган муҳитда ишлаш;
- ўргатувчи дастурларни яратиш методикасини эгаллаш.

Бу босқичлар ўзида мультимедиали ўргатувчи дастурлар яратиш кўникмасини шакллантиришда муҳим ҳисобланади. Бирор босқични ўзлаштирмаслик ўргатиш жараёнини тўлиқ бўлишини таъминлай олмайди. Агарда бирор босқич бўйича бўлғуси ўқитувчидаги билимлар аввалдан мавжуд бўлса, унда малакасини ошириш бўйича қўшимча имконият пайдо бўлади.

Одатда ўргатувчи мультимедиали дастурий воситалар яратиш билан компьютер дастурчилари шуғулланадилар. Аммо бу дастурчилар ўзлари яратаетган маҳсулот сифати бўйича етарли билимга эга бўлсаларда, кўп ҳолларда ўқитиш методикасини етарлича ўзлаштиргмаган бўлишлари мумкин. Бу эса ўргатувчи дастурий воситанинг методик талабларга тўлиқ жавоб берини таъминлай олмайди. Шу сабабдан, дастурий мультимедиа маҳсулотларни яратади олиш малакасини шакллантиришда кўп босқичли тайёргарликни амалга ошириш зарур.

Ушбу тайёргарликнинг дастлабки босқичи информатика фанини ўрганиш билан боғлиқ бўлиб, информатиканинг умумий асосларини ўрганиш оммабоп дастурлар билан танишишни таъминлайди. Бошланғич босқичда албатта MS Windows қобиги ва MS Office дастурий пакети ўрганилиши лозим. Бу дастурларни ўзлаштириш замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг дастлабки қўникмаларини шакллантиради. Бунда график қобиқлар билан ишлаш кўникмасининг шаклланиши оддий ва тушунарли дастурлар компьютер технологияларининг амалий методларини ўрганишни дастлабки босқичида муҳим аҳамият касб этади. MS Office компонентлари маълум маънода универсал саналгани учун талабаларни ахборот технологияларини ўзлаштиришларида мустаҳкам асос бўлади.

Тайёргарликнинг иккинчи босқичи – графика дастурлари билан ишлашга ўрганишдан иборат. Бу босқич графиканинг турларига мос равишда бир қанча кичик босқичларга бўлинади:

- растрли;
- векторли;
- уч ўлчамли;
- анимацияли.

Ўрганиш кетма-кетлиги жуда муҳим эмас, аммо анимация асослари билан танишишни статик графиканинг барча турларини ўзлаштиргандан кейин амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи босқичдаги каби графикани ўрганишни энг оммавий дастурлардан бошлаш керак. Adobe PhotoShop растрли графика дастурлари орасида кенг оммалашган бўлиб, бу дастурда растрли расмлар билан ишлашнинг самарали методлари мужассамлашган. Бундан ташқари, мазкур дастурнинг охирги версиялари векторли жараёнларининг маълум бир имкониятларига эга. Агарда бошланғич қўникмалар зарурияти бўлса, у ҳолда Windows ва Office нинг стандарт дастурлари MS Paint ва MS Photo Editor дан фойдаланиш мумкин. Бу икки дастур маълум бир доирада PhotoShop нинг имкониятлари ва методларини такрорлайди. Растрли графика воситаларини

үрганишда урғуни янги тасвиirlарни яратишга эмас, балки тайёр тасвиirlарни таҳрирлашга қаратмоқ даркор. Чунки, талаба ўргатувчи дастурларни яратишда рассом сифатида эмас, балки таҳрирчи, корректор сифатида касбий фаолият олиб боради. Растрли дастурлар биринчи навбатда сканер ёрдамида олинган ёки Интернетдан олинган тасвиirlарни таҳрирлашда ёрдам беради.

Оммавийлиги жиҳатдан Corel Draw дастури ҳам кенг тарқалган. Adobe фирмасининг янада содда дастурларидан бири – Illustrator саналади. Бу икки дастур вектор графикасининг кенг имкониятли воситасини ташкил қилади. Векторли дастурлар турли графикларни ва чизмаларни яратиш, таҳрирлаш учун самарали воситалардир.

Анимацияли графикани яратишни бир-бирига яқин интерфейсга эга юқорида келтирилган дастурларда амалга ошириш имконияти мавжуд. Улар асосан графика турлари билан фарқланади: растрли графика учун Adobe ImageReady, векторли графика учун – Corel R.A.V.E., уч ўлчамли графика учун эса – 3D Studio Max ўринлидир.

Навбатдаги босқичда овоз билан ишлаш методлари ўрганилади. Бу ерда овозларни ёзиш, таҳрирлаш ва қайта яратиш масалалари муҳим ҳисобланади. Бу масалаларни Sound Forge дастури ёрдамида ҳал этиш мумкин. Бу дастур овозни ёзиш, файлларни асосий овоз форматларига ўтказишни амалга оширади. Ундан ташқари, мазкур дастур ёрдамида овозларни таҳрирлаш, овозга маҳсус эффектларни қўшиш имкониятлари ҳам мавжуд. Овозларни эшитиш учун оммабоп бўлган Winamp дастуридан фойдаланиш мумкин. Аммо мультимедиа маҳсулотларида овоз намойиш этиладиган дастур билан интеграллашган бўлиб, эшитиш учун маҳсус воситаларни талаб этмайди.

Графика яратиш ва овоз билан ишлаш билимiga ҳамда методларига эга мутахассис қейинги навбатда мультимедиа маҳсулотларини намойиш этиш ва яратиш воситаларини ўрганади. Бунга биринчи навбатда HTML-дастурлаш, яъни WYSIWYG дастурлари гуруҳига мансуб MS Word, MS FrontPage, Macromedia Dreamweaver билан ишлаш, MS PowerPoint да намойишлар тайёрлаш киради. Шунингдек, мураккаброқ бўлган мультимедиали интерактив

намойиш яратиш дастури бўлган Macromedia Flash, графика ва овозни қайта ишлаш, шунингдек, анимация яратиш дастури бўлган Adobe AfterEffect ва бошқа дастурларни тавсия этиш мумкин. Бу босқичда талаба ўзи ўргатувчи мультимедиа иловаларини яратишни билиши зарур.

Методик босқич бўлғуси мутахассисга «қандай ва қайси воситалар билан ўкув материалларини ўқувчига етказиш керак?» деган саволга жавоб бериши зарур. Бу босқичда улар ўзларининг графика бўйича билимлари асосида ва компьютернинг аудио имкониятларини билган ҳолда, қайси вазиятларда ахборотларни қандай узатиш мақсадга мувофиқлигини аниқ билишлари шарт.

3. Масофавий таълим ва ахборот хавфсизлиги

Internet технологияларининг кириб келиши бир неча асрлар давомида ўзгармай келган ҳолатларни ўзгртириб юборди. Бу одатдаги хат ёзишмалари электрон почта билан, кутубхоналар эса web-сайтлар билан алмашинишида намоён бўлди.

Эндиликда эса таълим тизимида таълим олишнинг анъанавий шакллари ўрнига масофавий таълим элементлари кириб келди.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равища янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажralган ҳолда ўзаро маҳсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Масофавий ўқитиш барча таълим олиш истаги бўлганларга ўз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади. Бундай ўқитиш жараёнида талаба интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигига назорат ишларини

бажаради ва гурухдаги бошқа «вертикал ўқув гурухи» талабалари билан муроқотда бўлади.

Маълум сабабларга кўра, таълим муассасаларининг қундузги бўлиmlарида таҳсил олиш имконияти бўлмаган, масалан, соғлиги тақоза этмайдиган, мутахассислигини ўзгартириш нияти бўлган ёки ёши катта, малакасини ошириш нияти бўлган кишилар учун масофавий ўқитиш қулай ўқитиш шакли ҳисобланади.

Масофавий ўқитиша турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилади, яъни ҳар бир технология мақсад ва масала моҳиятига боғлиқ. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро муроқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеомаърузалар талабаларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиниш талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради.

Юқоридагиларга асосланиб, таълим жараёнида айни вақтда қайта-қайта тилга олинаётган айрим терминлар тавсифи ва таърифларни келтириб ўтамиз.

Масофавий ўқитиш – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва қундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

Масофавий ўқиши – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизимиdir. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан муроқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишини талаб қилувчи тизимdir. Бунда ўқиши жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи маҳсус ахборот мухитёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуаидир.

Масофавий ўқитиш тизими – масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуслари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга.

Нима учун масофавий таълим керак бўлиб қолди? – деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб тариқасида қуидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арzonлиги, вақт ва жойга боғлиқмаслиги ва бошқалар).
- таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги.
- таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши.
- сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
- халқаро интеграциянинг кучайиши.

Юқорида санаб ўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-биридан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қуидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

- географик шартлар (масалан, мамлакат территорияси, марказдан узоқликда жойлашуви, иқлими);
- мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;
- коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;
- таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланиш даражаси;
- таълимда қўлланиладиган анъаналари;
- масофавий ўқитиш тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.

Умуман олганда масофавий таълимнинг мақсадига қўйидагилар киради:

- мамлакат миқёсидаги барча худудлар ва хориждаги барча ўқувчилар, талабалар, таълим олишни хоҳловчиларга бирдек таълим олиш имкониятини яратиб бериш;
- етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тайёрлов марказлари, кадрларни қайта тайёрлаш муассасалари, малака ошириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларининг илмий ва таълим бериш потенциалларидан фойдаланиш эвазига таълим беришнинг сифат даражасини ошириш;
- асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равишда қўшимча таълим олиш имкониятини яратиб бериш;
- таълим олувчиларни таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш ва таълим муҳитини қенгайтириш;
- узлуксиз таълим имкониятларини яратиш;
- таълим сифатини сақлаган ҳолда янги принципал таълим даражасини таъминлаш.

Юқоридагиларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, масофавий таълим элементларини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтиради. Олий таълим тизимида бу комплексни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Ахборот коммуникация технологиялари таълим жараёнида (хусусан, масофавий таълим жараёнини) қўллаш асосан икки хил қўринишда амалга оширилади. Биринчи шарти бу техник жиҳозлар бўлса, иккинчи шарти эса маҳсус дастурний таъминотлар билан таъминланганлигидир.

1. Техник жиҳозлар билан таъминланганлик: компьютерлар, тармоқ қўрилмалари, юқори тезликдаги интернет тармоқлари, видео конференция жиҳозлари ва ҳоказо.
2. Дастурний таъминот: мавжуд қурилмаларни ишлатадиган дастурний таъминотлардан тортиб шу соҳа учун мўлжалланган дастурлар тўплами. Сўнгги йилларда Ғарбда таълим тизимини бошқаришда қўлланилиб келинаётган

Интернет ёки Интернет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим турини Elearning (электрон таълим) атамаси билан кириб келди.



Масофавий таълим моделлари

Электрон таълими – ахборот-коммуникация технологиялари асосидаги таълимнинг турли кўринишларини англатувчи кенг тушунчадир.

Elearning ўз ичига электрон ўқув контенетларни билим оловчига етказиш усулидан келиб чиқсан ҳолда гурухларга ажратиш мумкин.

ЮНЕСКО институтининг 2000 йилдаги таҳлилий тадқикот материалларида (IDistance Education for the Information Society: Policies, Pedagogy and Professional Development) келтирилган масофали ўқитиш моделларини келтирамиз:

Бирламчи (Ягоналик) модели. Ушбу модел ташкилий тузилишига кўра фақат масофали ўқитишида ва «масофали» талабалар билан ишлаш мақсадида ташкил этилади. Ўқитиши шундай амалга ошириладики, бунда таълимнинг кундузги шакли зарур бўлмайди. Барча ўқитиши масофадан амалга оширилади. Ушбу моделда ўқитишида худудий марказлар бўлиб, уларда талабалар ўқитувчилардан маслаҳатлар олиши лки якуний имтиҳон топширишлари мумкин.

Бундай олийгоҳларда ўқитувчиларга ҳам талабаларга ҳам ўқув фаолиятининг шакл ва услубларини танлашда катта эркинлик берилади. Вақт ва ўқув жадвалларига қатъий чегаралар қўйилмайди. Бундай тамойилда ўқитиши

Очиқ университетларда, масалан, Буюк Британиянинг Очик университети (United Kingdom Open University – <http://www.open.ac.uk>) да ташкил этилган.

Иккиламчи

(Иккиланган)

модели.

Бундайтизимдаолийгохкундузгиталабаларниҳам,
қисманқундузгивақисманмасофалидастурасосидаўқитади.

Ҳариккаласидаҳамдарсжадваллари,
имтиҳонларивабаҳолашмезонларибирхилбўлади.
ўқитишидастурлари,

Одатдаиккиланганмоделниривожлантиралтганолийгохкундузгиталабаларсоним
асофалиўқилтганталабаларсониданкаттабўлгананањавийолийгохлардир.

Шунингучунбиуниверситетнингўзидаиккишаклнингбиргалигидакўпроқўзлари
дакаттаўқувматериаллариданфойдаланишимкониятигаэгабўлганкундузгитаъли
молаётганталабаларютадилар.

Бундайолийгохлардамасофаликурсларҳардоимҳамфойдакелтирмайди,
баъзануқисманқундузгиталабаларниўқитишиҳисобиданамалгаоширилади.

Бундайҳолатлардаасосиурғутажрибага,
педагогикауслубийинновациялартадқиқотигавабошқаларгаберилади.

МасофалиўқитишингбундаймоделиАвстралиянингянгиАнглияуниверситети
(University of New England, Australia – <http://www.une.edu.au>) даташкилэтилган.

Аралаш модел. Ушбу модел университет талабаларини масофали
ўқитишинг турли шаклларини, аниқроғи шаклларнинг интеграциясини
назарда тутади. Масалан, кундузги шаклда ўқилтган талабалар масофали
ўқитиши курсларининг дастурларидагиларни ёки ушбу университетининг
ўқитувчиси ўқиётган кундузги курслари билан параллел равища қисман
ўқийдилар. Шунингдек, бу моделда анъанавий курслар доирасида виртуал
семинарлар, тақдимотлар, маъruzалар кўринишидаги машғулотлар алоҳида
шаклларининг бирлашмаси бўлиши мумкин. Университет ахборот ва
коммуникация технологиялари воситалари билан қанчалик юқори жиҳозланган
бўлса, шунчалик ўқитиши шакллари турли-туман бўлади. Интеграллашган
бундай курслар Янги Зеландиядаги Массей университетида (Massey University,
New Zealand – <http://www.massey.ac.nz>) ташкил этилган.

Консорциум. Ушбу модель икки университетни бирлашмасидан иборат. Бунда улар ўқув материаллари билан алмашадилар ёки баъзи вазифаларни бўлишиб оладилар. Масалан, бир университет масофали ўқитиш учун ўқув материаллар ишлаб чиқаради, бошқаси виртуал ўқув гуруҳларини ўқитувчилар билан таъминлайди ёки масофали ўқитиш дастурларини расмий аккредитациясини ўтказади. Бундай ҳолларда университет бутунлай лки унинг алоҳида марказлари, факультетлари, хатто таълим хизмати бозорида ишлаётган тижорат ёки давлат ташкилотлари ҳамкор бўлишлари мумкин. Консорциумлар фақат қаттий марказлашган бошқариш ва яратилаётган ашёларнинг муаллифлик ҳамда материал хукуқларини риоя этиш шартларидагина самарали бўлади. Канададаги Очик ўқув Агентлиги (Open Learning Agency, Canada – <http://www.ola.bc.ca>) консорциумга мисол бўлиши мумкин.

Франчайзинг. Франчайзинг тамойилида ташкил этилган масофали ўқитиш моделида ҳамкор университетлар бир – бирларига ўзларининг масофали курсларини берадилар. Бунда таълим хизмати бозорида ўзини кўрсатган қандайдир университет ўзида ишлаб чиқсан курсларини масофали ўқитишни эндиғина ташкил қилаётган ва масофали ўқитиш учун ўқув ашёларини мустақил ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлмаган бошқа олийгоҳ – ҳамкорларига ўқитиш хукуқини бериши мумкин. Бундай модельнинг қизиқ томони шундаки, талабалар ўзларининг университетида ўқишга ёзилиб, консорциумга кирган илғор олийгоҳ талабаси каби ўша ҳажмда ва ўша сифатда таълим хизматларига, ўқишни битирганларидан кейин хатто дипломларига эга бўладилар. Бунда илғор университетнинг барча атрибутикалари ўз кучини сақлаб қолади. Франчайзинг моделига мисол сифатида Буюк Британиянинг Очик университети қошидаги Бизнес Мактаби (Open University Business School, Great Britain) ва унинг Шарқий Европадаги университетлари билан алоқасини олиш мумкин.

Валидация. Масофали ўқитишнинг жуда кенг тарқалган модели бўлиб, бунда таълим муассасалари масофали ўқитиш бўйича хизматларни барча ҳамкорлари teng даражада бажаришлари ҳақида келишув имзолаб оладилар.

Уларнинг бири диплом валидацияси, курс ва дастурларни акредитациясини қилади, расман тан олинадиган диплом ва сертификатларни беришга масъул бўлади, илмий даражалар беради ва хоказо. Бош олийгоҳ (давлат аккредитациясига эга бўлган таникли олийгоҳ) ва унинг худудлардаги қўп сонли филиаллари орасидаги муносабатлар ҳам шу модел асосида ташкил этилади.

Узоклаштирилган аудиториялар. Бу моделда замонавий ахборот технологияси воситалари фаол фойдаланилади. Қандайдир олийгоҳда ўтказилаётган ўқув курслар, маъruzалар ёки семинарлар талабалар йигиладиган узоклаштирилган ўқув аудиторияларга синхрон телекўрсатув, видеоанжуман, радиоэшиттириш кўринишида телекоммуникация каналларидан узатилади. Бунда бир ўқитувчи бир вақтни ўзида талабаларнинг катта аудиторияси билан ишлайди. Ушбу модел бўйича АҚШ нинг Висконсия университети (Wisconsin University, USA) да, шунингдек, Хитойнинг марказий радио ва телеведение университети (China Central Radio and TV University) да масофали ўқитиши ташкил этилган.

Лойиҳалар. Давлат таълим ёки илмий-тадқиқот дастури доирасида кенг қамровлик лойиҳани амалга ошириш учун мўлжалланган масофали ўқитиши моделидан иборат. Ушбу моделда асосий аҳамият ўқув материалларини ишлаб чиқувчи асосий мутахассис ходимлар, масофали курсларни олиб борувчи ўқитувчилар ва олимлар йигиладиган илмий – услубий марказга қаратилади. Марказда ишлаб чиқиладиган масофали курслар у ёки бу давлат (худуд) нинг катта аудиториясига узатилади. Бундай ўқитиши вақтинчали ҳисобланиб, лойиҳада мўлжалланган ишлар бажарилгандан ёки тугагандан сўнг тугатилади. Бу моделга мисол сифатида Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган давлатларида турли халқаро ташкилотлар ўтказган қишлоқ хўжалиги, агротехниканинг янги услублари, экология бўйича ва ш.к. масофали ўқитиши курслари олиш мумкин.

Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Электрон таълимни ташкиллаштиришнинг кўпгина манбалари орасидан қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- муаллифлик дастурий маҳсулотлари (Authoring tools);
- виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар LMS (Learning Management Systems);
- ичкиконтентнибошқарувтизимлари CMS (Content Management Systems).

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир университет ёки таълим муассаси ўз таълим жараёнини бошқариш учун замонавий технологиялардан келиб чиқсан ҳолда, ўзининг виртуал ахборот таълим мухитини яратишга ҳаракат қиласди. Ҳозирги вақтга келиб, виртуал ахборот таълим мухитини яратишнинг ҳожати қолмаган, чунки Web мухитига мослашган ҳар хил турдаги дастурий мажмуалар жонкуяр дастурчи ва таълим соҳасида ишлаб келаётган ходимларнинг ҳамкорликда ишлашлари шунингдек, таълимга йўналтирилган фонdlар томонидан қўллаб қувватланиши натижасида, эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар яратилган.

Бу ўқув модулимизда масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи эркин ва очиқ кодли дастурлар мажмуасинин гтаҳлили келтирилади. Ўқув модулида келтирилган дастурий мажумалар таҳлили кўп ийллар давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ёзилган.

Ўқув муассасасида масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурий талаблар. МТ жараёнини амалга оширишда қўйида кўрсатилган босқичлар асосида амалга ошириш мумкин:

- 1-bosқич: Тахлил
- 2-bosқич: Лойиҳалаштириш
- 3-bosқич: Жорий қилиш
- 4-bosқич: Ўқув контентларини яратиш
- 5-bosқич: Ишга тушириш
- 6-bosқич: Ривожлантириш

1-босқичда ўқув муассасининг масофавий таълим жараёнига бўлган эҳтиёжлари, таълим жараёнида қатнашаётган фойдаланувчиларнинг сони, ўқитиш усуллари ва шакллари, лойиҳани амалга оширишдакерак бўладиган техник, дастурий ва инсон ресурслари, лойиҳани иқтисодий асослари таҳлил қилинади.

2-босқичда таҳлиллар натижасида амалга ошириладиган ишлар кўлами ва техник топшириқлойиҳалаштирилади.

3-босқичда эса танланган масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмууаа тегишли серверда ўрнатилади, тизимга тегишли домен танланади. Масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуусидан фойдаланиш ва унга техник қўллаб қувватлошли ишчи ходимларни ўргатиш бўйича ўқув машғулотлар ташкиллаштирилади.

4-босқичда масофавий таълим жараёнининг асосий элементларидан бири бўлмиш ўқув контентлар ўқув бўлими ва соҳа мутахасислари билан ҳамкорликда яратилади. Яратилган ўқув контентлар эксперталар томонидан текширилади.

5-босқичда масофавий таълим жараёни ишга туширилади. Таълим жараёнида ўқув жараёни доийми назоратда бўлиб туради. Тизимдаги ҳавфсизлик чоралари мониторинг қилиб борилади.

6-босқичда юқорида келтирилган босқичларда мавжуд бўлган камчиликлар тўғриланади, янги ўқув курслар яратилади, техник имкониятлар кенгайтирилади, тизимнинг ривожланишига тегишли бўлган ишлар кўлами бажарилади.

1. Web-хостинг хизматини танлаш.

Web-хостинг хизматини танлашлаш биз UZINFOCOM Марказининг технологик майдончасидан фойдаланишни тавсия этамиз.

UZINFOCOM Марказининг технологик майдончаси миллий фойдаланувчилар ва биринчи навбатда, давлат бошқаруви ва ҳоқимияти органлари, ҳамда таълим ва нотижорат муассасаларига замонавий даражадаги сифатли хостинг хизматини кўрсатиш мақсадида 2006 йилда ташкил этилган.

Хизматлар ахборот ҳавфсизлигини таъминлашнинг барча халқаро стандартларига тўлиқ мос равища кўрсатилади, шу билан бирга, ахборот ресурслари эгаларига ўз ресурсларини сақлаш ва маълумотлар билан ишлашда максимал қулайликни таъминлайди.

Ушбу технологик майдонча шу каби комплексларга қўйиладиган барча талабларга жавоб беради. Хусусан, маълумотларни сақлаш ва уларнинг яхлитлигини таъминлаш, маълумотлар сақлашни захиралаш, 24 соат давомида доимий техник хизмат кўрсатиш.

Фойдаланувчиларнинг технологик майдончада жойлаштирилган ресурслари унинг инфратузилмасидан фойдаланадилар. Ягона текширилган дастурий таъминотдан фойдаланиш эса мижозларга дастурларни яратиш заруриятидан озод этиб, уларни ахборот ресурсларини жойлаштириш ва фаолият юритиши билан боғлиқ муаммолардан ҳоли этади. Бундай комплекс ечим мижозлар учун мавжуд бўлган турли дастурий модуллардан фойдаланиш орқали ўз куч ва ресурсларини ахборот хизматларини шакллантириш ва жадаллаштиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, UZINFOCOM Маркази таркибидаги компьютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати UZCERT, технологик майдончада жойлашган ресурсларни етарли даражада ҳавфсизлигини таъминлайди.

Ҳозирги кунда технологик майдончада Агентлик сайтиасi.uz; UZ-CERT серверлари; ZiyoNET тармоғи мосламалари, www.ziyonet.uz портали; Миллий қидирув тизими www.uzсерверлари. UZ домен зонасининг юқори бўғин ўзак серверлари жойлашган. Шу билан бирга технологик майдончада 80 тадан ортиқ ташкилотларнинг сайтлари, шу қаторда давлат органларининг сайтлари, ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларнинг сайтлари ва уларнинг микдори доимий равища ўсмоқда.

Асосий тушунчалар. Домен - номли мезон бўйича ажратилган ва уни кўллаб-қувватлаш учун жавоб берадиган ташкилотга эгалик қилиш учун тақдим этилган Интернет тармоғининг қисми;

«UZ» домени - Ўзбекистон Республикасининг мамлакат кодини ифодаловчи, махсус ваколатли ташкилот томонидан бошқариладиган ва мувофиқлаштириладиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси остидаги юқори даража домени, шу жумладан, кейинги даражаларнинг домен номлари;

Домен номи - номларнинг домен тизимига мувофиқ компьютер тармоғи узелига бириктирилган ноёб белгили ном.

1. Домен (ўз навбатида хостингни ҳам) олиш учун ActiveCloud (<http://www.active.uz/>) компанияси орқали амалга оширишни тавсия қиласиз.

Доменни рўйхатдан ўтказиш (хостинг) олишшартларини мазкур сайт орқали олишингиз мумкин.

Ахборот хавфсизлиги

Тез ривожланиб бораётган компьютер ахборот технологиялари бизнинг кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларида сезиларли ўзгаришларни олиб кирмоқда. Хозирда “ахборот тушунчаси” сотиб олиш, сотиш, бирор бошқа товарга алмаштириш мумкин бўлган махсус товар белгиси сифатида тез-тез ишлатилмокда. Шу билан бирга ахборотнинг баҳоси кўп холларда унинг ўзи жойлашган компьютер тизимининг баҳосида бир неча юз ва минг баробарга ошиб кетмоқда. Шунинг учун тамомила табиий холда ахборотни унга рўхсат этилмаган холда киришдан, қасдан ўзгартиришдан, уни ўгирлашдан, ўқотишдан ва бошқа жиноий характерлардан ҳимояқилишга кучли зарурат туғилади. Аммо, жамиятнинг автоматлаштиришнинг юқори даражасига интилиши уни фойдаланиладиган ахборот технологияларнинг хавфсизлиги савиясига боғлиққилибқўяди. Ҳақиқадан, компьютер тизимларининг кенг кўламда ишлатилиши доимо ўсиб борувчи ахборот ҳажмини ишлаш жараёнларини автоматлаштиришга имкон берсада, бу жараёнларни агрессив таъсирларга нисбатан ожиз қилибқўяди ва демак, ахборот технологиялардан фойдаланувчилар олдида янги *муаммо-ахборот хавфсизлик* муаммоси кўндаланг бўлди. Хавфсизлик муаммоси, аслида, янги муаммо эмас, чунки хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай тизим учун, унинг мураккаблиги,

табиатидан қатъий назар, бирламчи вазифа ҳисобланади. Аммо, ҳимояланувчи объект ахборот тизими бўлса, ёки агрессив таъсир воситалари ахборот шаклда бўлганда, ҳимоянинг мутлок янги технологияларини ва усулларини яратишга тўғри келади. Маълумотларни ҳимояловчи усуллар ҳамда хакерларга қаршиҳаракат воситалар мажмуасини белгилаш мақсадида *компьютер хавфсизлиги* атамаси ишлатила бошланди.

Маълумотларни ишловчи таксимланган тизимларнинг пайдо бўлиши хавфсизлик масаласига янгича ёндашишнинг шаклланишига олиб келди. Маълумки, бундай тизимларда тармоқлар ва коммуникацион ускуналар фойдаланувчиларнинг терминаллари билан марказий компьютерлар ўртасида маълумотлар алмашишга хизмат қиласи. Шу сабабли маълумотлар узатилувчи тармоқларни ҳимоялаш зарурияти тугилди ва шунинг билан бирга *тармоқ хавфсизлиги* атамаси пайдо бўлди.

Ахборотнинг муҳимлик даражаси кадим замонлардан маълум. Шунинг учун ҳам қадимда ахборотни ҳимоялаш учун турли хил усуллар қўлланилган. Улардан бири - сирли ёзувдир. Ундаги хабарни ҳабар юборилган манзил эгасидан бошқа шахс ўқий олмаган. Асрлар давомида бу санъат - сирли ёзув жамиятнинг юкори табакалари, давлатнинг элчихона резиденциялари ва разведка миссияларидан ташқарига чиқмаган. Фақат бир неча ўн йил олдин ҳамма нарса тубдан ўзгарди, яъни ахборот ўз қийматига эга бўлди ва кенг тарқаладиган махсулотга айланди. Уни эндиликда ишлаб чикарадилар, сақлайдилар, узатишади, сотадилар ва сотиб оладилар. Булардан ташқари уни ўғирлайдилар, бузиб талқин этадилар ва соҳталаштирадилар. Шундай қилиб, ахборотни ҳимоялаш зарурияти тугилади.

Ахборотни ҳимоя қилиш деганда:

- ахборотнинг жисмоний бутунлигини таъминлаш, шу билан бирга ахборот элементларининг бузилиши, ёки йўқ қилинишига йўл қўймаслик;
- ахборотнинг бутунлигини сақлаб қолган ҳолда, уни элементларини қалбакилаштиришга (ўзгартиришга) йўл қўймаслик;

- ахборотни тегишли хукуқуларга эга бўлмаган шахслар ёки жараёнлар орқали тармоқдан рухсат этилмаган холда олишга йўл қўймаслик;

- эгаси томонидан берилаётган (сотилаётган) ахборот ва ресурслар фақат томонлар ўртасида келишилган шартномалар асосида қулланилишига ишониш кабилар тушунилади.

Юқорида таъкидлаб утилганларнинг барчаси асосида компьютер тармоқлари ва тизимларида ахборот хавфсизлиги муаммосининг долзарблиги ва мууимлиги келиб чиқади. Компьютер тизимлари ва тармоқларида ахборотни ҳимоя остига олиш деганда, берилаётган, сақланаётган ва қайта ишланилаётган ахборотни ишончлилигини тизимли тарзда таъминлаш мақсадида турли восита ва усувларни қуллаш, чораларни куриш ва тадбирларни амалга оширишни тушуниш қабул қилинган.

Бирлашган тармоқларда ишлаш хавфсизлигининг мураккаблигига қўйидаги мисоллар орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин.

1. Ахборотни узатишда хавфсизликни таъминлашга қўйиладиган талабларни бевосита қўйидаги атамалардан аниқлаш мумкин: конфиденциалик, аутентификация, яхлитликни сақлаш, ёлгоннинг мумкин эмаслиги, фойдаланувчанлик, фойдаланувчанликни бошқариш.

2. Куп ҳолларда яратувчи эътиборидан четда қолган ҳимоя тизимининг камчиликларини аниқлаш мақсадида муаммога қарши томоннинг нуқтаи назаридан қараш лозим. Бошқача айтганда, ҳимоянинг у ёки бу механизми ёки алгоритмини яратишда мумкин бўлган қарши чораларни уам куриш лозим.

3. Ҳимоя воситаларидан барча қарши чоралар мажмуасини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш лозим.

4. Хавфсизликни таъминлаш чоралари тизими яратилганидан сўнг бу чораларни қачон ва қаерда қуллаш масаласини ечиш лозим. Бу физикавий жой (маълум ҳимоя воситасини қуллаш учун тармоқ нуқтасини танлаш) ёки хавфсизликни таъминловчи мантиқий занжирдаги жой (масалан, ахборот узатувчи протокол сатхи ёки сатхларини танлаш) бўлиши мумкин.

5. Ҳимоя воситалари, одатда, маълум алгоритм ва протоколдан фарқланади. Уларга биноан барча ҳимоядан манфаатдор ахборотининг қандайдир қисми махфий булиб қолиши шарт (масалан, шифр калити кўринишида). Бу эса ўз навбатида бундай махфий ахборотни яратиш, тақсимлаш ва ҳимоялаш усулларини ишлаб чиқиш заруриятини тұғдиради.

Махфий ва қимматбах ахборотларга рухсатсиз киришдан ҳимоялаш энг муҳим вазифалардан бири саналади. Компьютер эгалари ва фойдаланувчиларнинг мулки хуқуқларини ҳимоялаш - бу ишлаб чиқарилаётган ахборотларни жиддий иқтисодий ва бошқа моддий ҳамда номоддий заарлар келтириши мумкин бўлган турли киришлар ва ўғирлашлардан ҳимоялашдир. Хозирги кунда хавфсизликнинг бир қанча йўналишларини қайд этиш мумкин.

Ахборот хавфсизлиги деб, маълумотларни йўқотиш ва ўзгартиришга йўналтирилган табиий ёки сунъий хоссали тасодифий ва қасдан таъсирлардан ҳар қандай ташувчиларда ахборотнинг ҳимояланганлигига айтилади. Илгариги ҳавф фақатгина конфиденциал (махфий) ҳабарлар ва хужжатларни ўғирлаш ёки нусха олишдан иборат бўлса, хозирги пайтдаги ҳавф эса компьютер маълумотлари тўплами, электрон маълумотлар, электрон массивлардан уларнинг эгасидан рухсат сўрамасдан фойдаланишдир. Булардан ташқари, бу ҳаракатлардан моддий фойда олишга интилиш ҳам ривожланди.

Ахборотнинг ҳимояси деб, бошқариш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминловчи ва ташкилот ахборот захираларининг яхлитлилиги, ишончлилиги, фойдаланиш осонлиги ва махфийлигини таъминловчи қатый регламентланган динамик технологик жараёнга айтилади.

Ахборотни ҳимоялашнинг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- ахборотнинг келишувсиз чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, ўзгартирилиши, соҳталаштирилишларнинг олдини олиш;
- шахс, жамият, давлат хавфсизлигига бўлган ҳавф - ҳатарнинг олдини олиш;
- ахборотни йўқ қилиш, ўзгартириш, соҳталаштириш, нусха кўчириш, тўсиқлаш бўйича рухсат этилмаган ҳаракатларнинг олдини олиш;

- хужжатлаштирилган ахборотнинг миқдори сифатида хукуқий тартибини таъминловчи, ахборот захираси ва ахборот тизимиға ҳар қандай ноқонуний аралашувларнинг кўринишларининг олдини олиш;

- ахборот тизимида мавжуд бўлган шахсий маълумотларнинг шахсий маҳфийлигини ва конфиденциаллигини сақловчи фуқароларнинг конституцион хуқуқларини ҳимоялаш;

- давлат сирини, қонунчиликка мос хужжатлаштирилган ахборотнинг конфиденциаллигини сақлаш;

- ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминловчи воситаларни яратиш, ишлаб чиқиши ва қўллашда субъектларнинг хуқуқларини таъминлаш.

Ахборот хавфсизлиги. Ахборот хавфсизлигининг долзарблашиб бориши, ахборотнинг стратегик ресурсга айланиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Замонавий давлат инфратузилмасини телекоммуникация ва ахборот тармоқлари ҳамда турли хилдаги ахборот тизимлари ташкил этиб, ахборот технологиялари ва техник воситалар жамиятнинг турли жабҳаларида кенг кулланилмокда (иктисод, фан, таълим, харбий иш, турли технологияларни бошқариш ва х.к.)

Иктисодий хавфсизлик. Миллий иктисодда ахборотларни яратиш, таркатиш, кайта ишлаш ва фойдаланиш жараёни ҳамда воситаларини камраб олган Янги тармоқ вужудга келди. «Миллий ахборот ресурси» тушунчаси Янги иктисодий категория булиб хизмат килмокда. Давлатнинг ахборот ресурсларига келтирилаётган зарар ахборот хавфсизлигига хам таъсир кўрсатмокда. Мамлакатимизда ахборотлашган жамиятни шакллантириш ва унинг асосида жаҳон ягона ахборот майдонига кириб бориш натижасида миллий иктисодимизга турли хилдаги заарлар келтириш хавфи пайдо булмокда.

Мудофаа хавфсизлиги. Мудофаа соҳасида хавфсизликнинг асосий обьектларидан булиб, мамлакатнинг мудофаа потенциалининг ахборот таркиби ва ахборот ресурслари ҳисобланмокда. Хозирги кунда барча замонавий

куроллар ва харбий техникалар жуда хам компьютерлаштирилиб юборилди. Шунинг учун хам уларга ахборот куролларини куллаш эҳтимоли катта.

Ижтимоий хавфсизлик. Замонавий ахборот - коммуникациялар технологияларининг миллий иктисад барча тармоқларида кенг кулланиши инсон психологияси ва жамоа онгига «яширин» таъсир қўрсатиш воситаларининг самарадорлигини юксалтириб юборди.

Экологик хавфсизлик. Экологик хавфсизлик - глобал масштабдаги муаммодир. «Экологик тоза», энергия ва ресурс тежайдиган, чикиндисиз технологияларга утиш фақат миллий иктисадни ахборотлаштириш ҳисобига кайта куриш асосидагина йўлга куйиш мумкин.

Ахборотларга нисбатан хавф-хатарлар таснифи. Хавфсизлик сиёсатининг энг асосий вазифаларидан бири ҳимоя тизимида потенциал хавфли жойларни кидириб топиш ва уларни бартараф этиш ҳисобланади. Текширишлар шуни кўрсатадики, тармоқдаги энг катта хавфлар — бу рухсатсиз киришга мулжалланган маҳсус дастурлар, компьютер вируслари ва дастурнинг ичига жойлаштирилган маҳсус кодлар булиб, улар компьютер тармоқларининг барча объектлари учун катта хавф тугдиради.

Ташкилотнинг ҳимоялаш тизимиға бўлганҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш ва хавфсизликнинг мавжуд барча хилма-хил чораларидан кераклигини танлашда турли ёндашишлардан фойдаланилади. Бундай ёндашишлардан бири ахборот ҳимоясининг қуидаги учта жиҳатига асосланган.

1. **Ҳимоянинг бузилишлари.** Корхонага тегишли ахборотни сақлаш ва ишлатиш хавфсизлигига зарар келтирувчи уар қандай ҳаракатлар.

2. **Ҳимоя механизми.** Ҳимоянинг бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш, ҳамда бузилишлар оқибатини йўқотиш механизmlари.

3. **Ҳимоя хизмати.** Маълумотларни ишлаш тизимлари ва корхонага тегишли ахборотни ташиш хавфсизлиги савиясини кутаришга мулжалланган сервис хизмати.

Ҳимоянинг бузилиши. Компьютер тизими ёки тармоғи ҳимоясини бузишга уринишларни компьютер тизимини ахборотни таъминловчи объект

сифатида кўриш орқали классификациялаш мумкин. Умумий ҳолда қандайдир манбадан(масалан, файл ёки хотира қисми) ахборот оқимининг адресатга (масалан, бошқа файл ёки бевосита фойдаланувчи) узатилиши кузатилади. Шу нуқтаи назардан қуйидаги хужумларни фарқлаш мумкин:

- *узиши (разъединение);*
- *ушлаб қолиши (перехват);*
- *турлаш (модификация);*
- *сохталаштириши (фальсификация).*

Юқорида келтирилган бузилишлар **пассив** ва **актив** хужум атамалари бўйича классификацияланганида пассив таҳдидга ушлаб қолиш(перехват) мансуб бўлса, узиш(разъединение), турлаш(модификация) ва сохталаштириш(фальсификация) актив таҳдидга мансуб эканлигини кўриш қийин эмас.

Пассив хужумлар натижасида узатилаётган маълумотлар ушлаб қолинади ёки мониторинг амалга оширилади. Бунда бузғунчининг мақсади узатилаётган ахборотни ушлаб қолишидир. Пассив бузилишларни иккита гурухга ажратиш мумкин- ахборотлар мазмунини фош этиш ва маълумотлар оқимини тахлил этиш.

Ахборотлар мазмунини фош этиши нима эканлиги маълум. Телефон орқали сухбатда, электрон почта ахборотида ёки узатилаётган файлда муҳим ёки маҳфий ахборот бўлиши мумкин. Табиийки, бундай ахборот билан бу ахборот мўлжалланмаган шахсларнинг танишиши мақбул эмас.

Маълумотлар оқимини тахлили мукаммалроқҳисобланади. Фараз қилайлик, биз ахборот ёки бошқа ўзатилувчи маълумотлар мазмунини шундай маскировка қилайликки, бузғунчи ахборотни ўз ихтиёрига киритганида ҳам ундаги ахборотни чиқариб ололмасин. Кўпинча ахборот мазмунини маскировка қилишда шифрлаш қўлланилади. Аммо, ахборот мазмуни шифрлаш ёрдамида ишончли тарзда беркитилган бўлсада, бузғунчида узатилувчи маълумотларнинг ўзига хос алотоматларини кузатиш имконияти қолади. Масалан, узатувчини ва ахборотларни узатишга ишлатилувчи узелларни, ахборотлар узунлигини ва

уларнинг алмашинув частотасини аниқлаш мумкин. Бундай ахборот маълумотлар алмашинувидан кузланган мақсадни аницлашда жуда ҳам қул келиши мумкин.

Ҳимоянинг пассив бузилишларини аниқлаш жуда қийин, чунки уларда маълумотларга қандайдир ўзгартиришлар киритиш кузда тутилмайди. Аммо, бундай хил бузилишларни олдини олишни амалга оширса бўлади. Шу сабабли пассив бузилишлар холида эътиборни уларни аниқлашга эмас, балки уларни олдини олишга қаратиш лозим.

Актив хужумлар натижасида маълумотлар оқими ўзгартирилади ёки сохта оқимлар ҳосилқилинади. Бундай бузилишларни тўртта гуруҳга ажратиш мумкин: имитация, тиклаш, ахборотни турлаш (модификациялаш), хизмат кўрсатишдаги халаллар.

Имитация деганда объектнинг ўзини бошқа объект қилибкўрсатиши тушунилади. Одатда имитация актив бузилишларнинг бошқа бир хилининг ўриниши билан биргаликда бажарилади. Масалан, бузғунчи тизимлар алмашинаётган аутентификация маълумотларининг оқимини ушлаб қолибсўнгра аутентификация ахборотларининг ҳақиқий кетма-кетлигини тиклаши мумкин. Бу эса ваколати чегараланган объектнинг ўзини ваколати кенгроқ объект қилибкўрсатиши (имитация) орқали ваколатини кенгайтиришига имкон беради.

Тиклаш деганда маълумотлар блокини пассив ушлаб қолиб, кейин уни рухсат берилмаган натижани ҳосилқилишмақсадида ретрансляция қилиш тушунилади.

Маълумотларни модификациялаш деганда рухсат берилмаган натижани ҳосилқилишмақсадида қонуний ахборот қисмини ўзгартириш, ёки ахборот келиши кетма-кетлигини ўзгартириш тушунилади.

Хизмат кўрсатишдаги халаллар алоқа ёки уларни бошқарувчи воситаларнинг нормал ишлашига тусцинлик қиласи. Бундай бузилишларда муайян мақсад кузланади: масалан, объект маълум адресатга йўналтирилган барча ахборотларни тўхтатиб қолиши мумкин. Яна бир мисол, тармоқни атайин

ахборотлар оқими билан ортиқча юклаш орқали ёки тармоқни ишдан чиқариш йўли билан барча тармоқ ишини блокировка қилиш.

Ҳимоя механизмлари. Амалиётда ишлатиладиган ҳимоя механизмларининг аксарияти криптография усулларига асосланган. Шифрлаш ёки шифрлашга яқин ахборотни ўзгартиришлар мълумотларни ҳимоялаш усуллари ҳисобланади.

Ҳимоя хизмати. Амалиётда қулланиладиган ҳимоя вазифалари тупламларидан бирига қуидагилар киради: конфиденциаллик, аутентификациялаш, яхлитлик, ёлгоннинг мумкин эмаслиги, фойдаланувчанлик, фойдаланувчанликни бошқариш.

Ахборот хавфсизлигининг ташкилий-маъмурӣ таъминоти. Ахборотни ишончли ҳимоя механизмини яратишда ташкилий тадбирлар муҳим рол ўйнайди, чунки конфиденциал ахборотлардан рухсатсиз фойдаланиш асосан, техник жиҳатлар билан эмас, балки ҳимоянинг элементар қоидаларини эътиборга олмайдиган фойдаланувчилар ва ходимларнинг жинояткорона ҳаракатлари, бепарволиги, совуққонлиги ва маъсулиятсизлиги билан боғлиқ.

Ташкилий таъминот конфиденициал ахборотдан фойдаланишга имкон бермайдиган ёки жиддий қийинчилик туғдирувчи ижрочиларнинг ишлаб-чиқариш ва ўзаро муносабатларини меъёрий-хуқуқий асосида регламентлашдир.

Ташкилий тадбирларга қуидагилар киради:

- хизматчи ва ишлаб чиқариш бино ва хоналарни лойиҳалашда, қуришда ва жиҳозлашда амалга ошириладиган тадбирлар. Бу тадбирларнинг асосий мақсади худудга ва хоналарга яширинча кириш имконини йўқотиш; одамларнинг ва транспортнинг юриши назоратининг қулайлигини таъминлаш; фойдаланишнинг алоҳида тизимиға эга бўлган ишлаб-чиқариш зоналарини яратиш ва х.;

- ходимларни танлашда амалга ошириладиган тадбирлар. Бу тадбирларга ходимлар билан танишиш, конфиденциал ахборот билан ишлаш

қоидалари билан ишлашни ургатиш, ахборот ҳимояси қоидасини бузганлиги учун жавобгарлик даражаси ва х. билан таништириш киради;

- ишончли пропуск режимини ва ташриф буюрувчиларнинг назоратини ташкил қилиш;

- хона ва худудларни ишончли қуриқлаш;

- хужжатлар ва конфиденциал ахборот элтувчиларини сақлаш ва ишлатиш, шу жумладан қайд этиш, бериш, бажариш ва қайтариш тартибларига риоя қилиш;

- ахборот ҳимоясини ташкил этиш, яъни муайян ишлаб чиқариш жамоаларида ахборот хавфсизлигига жавобгар шахсни тайинлаш, конфиденциал ахборот билан ишловчи ходимлар ишини мунтазам текшириб туриш.

Бундай тадбирлар хар бир муайян ташкилот учун узига хос хусусиятга эга бўлади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларидан олинган хужжатлар учун алохида тартиб қулланилади. Бунда, маълум холларда, масофадан олинган ахборот электрон имзо билан тасдиқланади. Ахборотни ҳимоялаш учун барча ташкилий тадбирларни таъминловчи маҳсус маъмурий хизматни яратиш талаб қилинади. Унинг штат структураси, сони ва таркиби фирманинг реал эктиёjlари, ахборотининг конфиденциаллик даражаси ва хавфсизлигининг умумий холати орқали аниqlанади. Маъмурий тадбирларга қуйидагилар киради:

- операцион тизимнинг тўғри конфигурациясини мададлаш;
- иш жўрналларининг назорати;
- пароллар алмашишининг назорати;
- ҳимоя тизимида "рахна"ларни аниqlаш;
- ахборотни ҳимояловчи воситаларни тестлаш.

Тармоқ операцион тизимининг тўғри конфигурациялашни одатда, тизим маъмури хал этади. Маъмур операцион тизим (одамлар эмас) риоя қилиши лозим бўлган маълум қоидаларни яратади. Тизимни маъмурлаш -конфигурация

файлларини тўғри тузишдир. Бу файлларда (улар бир нечта бўлиши мумкин, масалан тизимнинг ҳар бир қисмига биттадан файл) тизим ишлаши қоидаларининг тавсифи бўлади.

Ахборот ҳимояси тизимини эксплуатация қилишбосқичида хавфсизлик маъмурининг фаолияти фойдаланувчилар ваколатларини ўз вақтида ўзгартиришдан ҳамда тармоқ компьютерларидағи ҳимоя механизмларини созлашдан иборат бўлади. Фойдаланувчилар ваколатларини ва компьютер тармоқларида ахборотни ҳимоялаш тизимини созлашни бошқариш муаммоси, масалан, тармоқдан марказлаштирилган фойдаланиш тизимидан фойдаланиш асосида хал этилиши мумкин. Бундай тизимни амалга оширишда тармоқ асосий серверида ишловчи маҳсус фойдаланишни бошқарувчи сервердан фойдаланилади. Бу сервер марказий ҳимоя маълумотлари базасини локал ҳимоя маълумотлари базаси билан автоматик тарзда синхронлайди. Фойдаланишни бошқаришнинг бу тизимида фойдаланувчи ваколати вақти-вақти билан ўзгартирилади ва марказий ҳимоя маълумотлари базасига киритилади, уларнинг муайян компьютерларда ўзгариши навбатдаги синхронлаш сеансида вақтида амалга оширилади.

Ундан ташқари фойдаланувчи паролини ишчи станцияларининг бирида ўзгартирса, унинг янги пароли марказий ҳимоя маълумотлари базасида автоматик тарзда аксланади, ҳамда бу фойдаланувчи ишлашига рухсат берилган ишчи станцияларга узатилади.

Компьютер вируслари, уларнинг классификацияси ва улар билан курашиш механизмлари. Зааркунанда дастурлар ва аввало, вируслар компьютер тизимси учун жиддий хавф хисобланади. Бу хавфни назар писанд килмаслик фойдаланувчилар ахборотси учун жиддий окибатларга сабаб бўлиши мумкин. Вирусларнинг хавфини хаддан ташқари ошириб юбориш хам компьютер тизимларининг барча имкониятларидан фойдаланишга салбий таъсир кўрсатади. Вируслар таъсири механизмини, улар билан курашиш методларини билиш вирусларга қарши самарали курашишни ташкил этишга,

улар таъсири натижасида заарланиш эҳтимолини ва йўқотишларни минимумга келтиришга имкон беради.

«Компьютер вируси» атамаси 80-йилларнинг ўрталарида киритилган. Биологик вирусларга тегишли ўлчамларининг кичиклиги, ўз-ўзидан кўпайиб ва объектларга сингиб(уларни захарлаб) тез тарқалиш қобилияти, тизимга салбий таъсири каби аломатлар зааркунанда программаларга ҳам тааллуклидир. Компьютер вируслари билан иш курилганда «вирус» атамаси билан бир қаторда «захарланиш», «яшаш муҳити», «профилактика», каби тиббиёт атамаларидан ҳам фойдаланилади. «Компьютер вируслари» -компьютер тизимларида тарқалиш ва ўз-ўзидан қайтадан тикланиш (репликация) хусусиятларига эга бўлган бажарилувчи ёки шархланувчи кичик программалардир. Вируслар компьютер тизимларида сақланувчи программа таъминотини ўзгартириши ёки йўқотиши мумкин.

Хозирда дунёда фақат руйхатга олинган 65 мингдан ортиқ компьютер вируслари мавжуд. Замонавий заракунанда программаларининг аксарияти ўз-ўзидан купайиш қобилиятига эга бўлганликлари сабабли уларни ҳам компьютер вирусларига тааллукли деб ҳисоблайдилар. Барча компьютер вируслари қуидаги аломатлари бўйича классификацияланиши мумкин:

- яшаш муҳити бўйича;
- яшаш муҳитининг заҳарланиши бўйича;
- зааркунандалик таъсирининг хавфи даражаси бўйича;
- ишлаш алгоритми бўйича.

Яшаш муҳити бўйича компьютер вируслари қуидагиларга бўлинади: тармоқ вируслари; файл вируслари; юклама вируслар; комбинацияланган вируслар.

Тармоқ вирусларнинг яшаш муҳити компьютер тармоқларининг элементларидир. Файл вируслар бажарилувчи файлларда жойлашади. Файл вируслар ичida макровируслар алохида урин тутади. Макровируслар-макротилларда ёзилган зааркунанда программалар, электрон жадваллар ва х. Юклама вируслар ташқи хотира қурилмаларининг юклама секторларида (boot-

секторларда) бўлади. Комбинацияланган вируслар бир неча яшаш мухитида жойлашган бўлади. Мисол тариқасида юклама файл вирусларни кўрсатиш мумкин.

Вируснинг зааркундандалик имкониятлари уларни яратувчисининг мақсади ва малакасига ҳамда компьютер тизимларининг хусусиятларига боғлиқ.

Фойдаланувчининг информацион ресурслари учун хавф даражаси бўйича компьютер вирусларини қуидагиларга ажратиш мумкин: безиён вируслар; хавфли вируслар; жуда хавфли вируслар.

Безиён компьютер вируслари компьютер тизимси ресурсларига қандайдир шикаст етказишни ўзига мақсад қилмаган муаллифлар томонидан яратилади. Уларнинг мақсади, одатда, ўзларини дастурчининг имкониятларини кўз-кўз қилишдир. Бундай вирусларнинг зааркунданалиги моноторингда айбизз матнларни ва расмларни, мусиқий парчаларнинг ижро этилишига олиб келади ва x.

Аммо безарап бўлиб кўринган бундай вируслар компьютер тизимларига маълум шикаст етказади. Биринчидан бундай вируслар компьютер тизимларини ресурсларини сарфлайди, натижада унинг ишлаш самарадорлиги пасаяди. Иккинчидан, компьютер вирусларида компьютер тизимларининг информацион ресурсларига шикаст келтирувчи хатоликлар бўлиши мумкин.

Хавфли вирусларга компьютер тизимларининг самарадорлигини жиддий пасайишига олиб келувчи, аммо хотирловчи қурилмаларда сақланувчи ахборотнинг яхлитлигини ва махфийлигини бузмайдиган вируслар киради. Бундай вируслар таъсири оқибатларини унчалик катта бўлмаган моддий ва вақтий ресурслар сарфи эвазига йўқотиш мумкин. Бундай вирусларга мисол тариқасида хисоблаш машинаси хотирасини эгалловчи, аммо тармоқ ишига таъсир қилмайдиган вирусларни, программани қайтадан ишланиш, операцион тизимсининг қайтадан юкланиш ёки маълумотларни алоқа каналлари орқали қайтадан узатилиш ва x. заруриятини туғдирувчи вирусларни кўрсатиш мумкин.

Жуда хавфли вирусларга ахборотнинг махфийлигини бузилишига, йўқ қилинишига, қайтариilmайдиган турланишга (шифрлаш хам шу қаторда) ҳамда ахборотдан фойдаланишга тусқинлик қилувчи ва натижада аппарат воситаларнинг ишдан чиқишига ва фойдаланувчилар соғлигига шикаст етишига сабаб булавчи вируслар киради.

Вируслар билан курашии методлари ва воситалари. Вируслар тарқалишининг оммалашуви, улар таъсири оқибатларининг жиддийлиги вирусга қарши маҳсус воситаларни ва уларни қуллаш методларини яратиш заруриятини тугдирди. Вирусга қарши воситалар ёрдамида қуидаги масалалар ечилади:

1. Компьютер тизимларида вирусларни аниқлаш;
2. Вируслар таъсири оқибатларини йўқотиши.

Вирусларни аниқлашни уларнинг таъсири бошланиши биланоқ ёки, лоақал, зааркунандалик вазифалари бошланмасданоқ амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Вируслар таъсири оқибатларини йўқотиши жараёнида вирусларни йўқотиши ҳамда вирус бўлган файллар ва хотира қисмларини тиклаш амалга оширилади. Вирусларга қарши программлар ёрдамида вируслар таъсири оқибатларини йўқотишнинг икки усули мавжуд.

Биринчи методга биноан тизим маълум вируслар таъсиридан сўнг тикланади. Вирусни йўқотувчи программани яратувчи вируснинг структурасини ва унинг яшаш маконида жойлашиш характеристкаларини билиши шарт.

Иккинчи метод номаълум вируслар билан захарланган файлларни ва юклама секторини тиклашга имкон беради. Файлларни тиклаш учун тикловчи программа файллар хусусидаги вируслар йўқлигидаги ахборотни олдиндан сақлаши лозим. Захарланмаган файл хусусидаги ахборот ва вируслар ишлашининг умумий принциплари хусусидаги ахборотлар файлларни тиклашга имкон беради.

Электрон хужжат. *Хужжат тушунчаси.* Хужжат - матн, товуш ёки тасвир шаклида ёзилган ахборот бўлиб, замон ва маконда узатиш ҳамда сақлаш ва жамоат томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий обьектдир.

Хужжат турлари. Хужжат турлари – хужжатларни ўз шаклига кўра қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

- Матнли хужжатлар. Қоғозга ёзув машинаси, қўл ёки ахборот коммуникация воситалари ёрдамида туширилган қандайдир маъно берувчи сўзлар кетма-кетлигидир.
- Товушли хужжатлар. Овоз ёзиш воситалари ёрдамида ёзиб олинган товушли ахборот.
- Тасвирли хужжатлар. Фотосурат, ранг тасвир маҳсули.

Электрон хужжат. Электронхужжат Ўзбекистон Республикасининг “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги 611-II сон Қарорига биноан қўйидагича таърифланади.

Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон хужжатнинг уни идентификация қилиш (таниб олиш) имкониятини берадиган бошқа реквизитларига (маълумотларга) эга бўлган ахборот электрон хужжатдир.

Электрон хужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади.

Электрон хужжат электрон хужжат айланиши иштирокчиларининг мазкур хужжатни идрок этиш имкониятини инобатга олган ҳолда яратилиши керак.

Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштиришни тартибга соловчи норматив-ҳукуқий база шакллантирилмоқда, “Алоқа тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”, “Электрон хужжатлар айланиши тўғрисида” ва “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ахборот

коммуникация соҳасида жуда катта ислоҳатлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаи Президентининг 2012 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида “Электрон таълим” миллий тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1740 сонли қарори билан Ўрта осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Электрон таълим миллий тармоғи яратилди. Бугунги кунда ушбу тармоқ 160 дан ортиқ обьектларни ўз ичига олиб, улар орасида юқори тезликдаги маълумотар алмашиш имконини беради. Бундан ташқари тармоқда олий таълим муассасалари билан хамкорликда фойдаланиладиган 15 дан ортиқ ахборот тизимлари фаолият олиб бормоқда.

Ахборот коммуникация воситалари ва технологиялари ёрдамида инсон учун қулай шаклда сақланадиган, узатиладиган ва тақдим этиладиган ва уни таниб олишга имкон берадиган реквизитларга эга электрон воситалардаги ахборот - бу **электрон ҳужжатдори**.



Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот коммуникация тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда ҳосил қилинади, ишлов берилади ва сақланади.

Электрон ҳужжатнинг реквизитлари қўйидагилардан иборат:

1. Электрон рақамли имзо;
2. Жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
3. Жўнатувчининг почта ва электрон манзили;
4. Ҳужжат яратилган сана.

Электрон ҳужжат алмашинуви тизими

Электрон ҳужжат алмашиш тизимлари – электрон ҳужжатларни ахборот-коммуникация тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиш жараёнлари йигиндиси.

Электрон ҳужжат айланишидан битимлар (шу жумладан шартномалар) тузиш, ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотларни алмашишда фойдаланиш мумкин.,

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР
МАЗМУНИ**

1-амалий машғулот:

Мавзу: Таълимни бошқаришда электрон контентни яратиш

Ишдан мақсад. Ўқитиши ва таълим жараёнлари самарадорлиги оширишда iSpringSuite'ва бошқа дастури имкониятларидан фойдаланиш бўйича кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Назарий қисм

iSPRING ДАСТУРИ ВА УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мультимедиали электрон ўқув курсларни яратиш имкониятини берувчи педагогик дастурий воситалар ичидаги юқори рейтингга эга бўлган iSpring дастури ҳақида тўхталиб ўтамиш.


iSpring Free дастури .PPT, .PPTX, .PPS, .PPSX форматдаги файлларни Flash (.SWF) ва HTML5 форматига конвертациялаш имкониятини берадиган муаллифлик дастури ҳисобланади.

Дастур орқали фойдаланувчилар Flash-роликлар ва YouTube-видео ресурсларни PowerPoint тақдимот слайдларига жойлаштиришлари мумкин.

Хусусан:

- Яратиладиган электрон ўқув контентларни SCORM ва TinCan тизимларга ўтказиш имкониятини беради, бу эса ихтиёрий LMS (Learning menegment system) билан интеграциялаштириш мумкин дегани.
- PowerPoint дастурида яратилган тақдимот файлининг хажмини 97% гача сиқиши имконияти мавжуд
- PowerPoint дастурида яратилган тақдимот файлининг ҳимояланишини таъминлайди

Ушбу пакет ўз ичига 3 та дастурий модулни олади. Улар ёрдамида аудио, видео, интерактив элементлар ва тестлар билан бойитилган онлайн тақдимот материаллари ва ўқув курслари, ҳар хил сўровномалар, анкеталар, интерактив тестлар, 3D китоб каби бир қанча электрон нашрлар ташкил этиш имконияти мавжуд.



iSpring Suite электрон нашрлар яратиши пакети модуллари.

iSpring Suite электрон нашрлар яратиши пакетини ушбу <http://www.ispring.ru/ispring-suite> манзил орқали юклаб олиш мумкин. Даструр автоматик равишда MS PowerPoint дастури менюлар сатрига ўрнатилади ва алоҳида менюда жойлашади. Электрон тестлар яратиши учун Ispring Quiz Maker модульни танланади ва экранда қуидаги ойна пайдо бўлади.(2-расм)



Ispring Quiz Maker модулининг илк интерфейси

Даструр бошқа электрон тестлар яратиши дастурларидан қуидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- даструрнинг ишчи файли ихтиёрий компьютерга кўчириб қўйилиши ва ишлаши мумкин;
- жуда кам амаллар кетма кетлиги бажарилади;
- маҳсус билимлар талаб этилмайди;

- тестларнинг 11 хил турини яратиш мумкин;
- тест саволлари ва жавобларига расм, формула ва видео жойлаштириш мумкин;
- тест натижалари тўғридан тўғри электрон почтага жунатилади;
- дастур лицензияга эга ва очиқ калитли эканлиги.

Компьютерга iSpringSuite дастурлар пакети ўрнатилгач, IspringQuizMaker блоки ёрдамида электрон тестлар тузиш имконияти мавжуд. Тестлар базаси яратилгач, дарснинг қайси қисмида фойдаланишига қараб тестлар сони ва тест ўтказиш вақти белгиланади. Интерфейс кўринишини фойдаланувчи ихтиёрига кўра ўзгартириш мумкин. Тайёр тестлар базасини яратиб бўлгач, уни локал тармоқ учун, глобал тармоқ учун, ҳужжат шаклда (MSWord) ёки LMS тизими учун сақлаш имконияти мавжуд. Дастурда яратилган электрон тестлар базаси ишчи файли .swf форматда сақланади. Демак, ушбу тестлар базасидан фойдаланиш учун компьютерда AdobeFlashPlayer дастури мавжудлиги етарли. Дастурда тест саволларининг қуидаги кўринишларини яратиш мумкин:

- 1. Битта жавобли тест:** бу тестнинг қийинлиги жавоб вариантларининг кўплигига боғлиқ.
- 2. Кўп жавобли тест:** бу тест тури ёрдамида бир неча маълумотлар юзасидан ўқувчи фикрини аниқлаш мумкин.
- 3. “Тўғри-нотўғри” кўринишдаги тест:** бунда анкета саволи кўринишига мос тест тури, жавоб варианти фақат иккита бўлади;
- 4. Ёник тест:** бунда жавоб варианти ўқувчи томонидан киритилади;
- 5. Ўзаро мослик ўрнатиш:** бунда бир неча саволлар ўзаро жавоблари билан бирлаштирилади;
- 6. Жавобларни тартиблаш:** саволнинг ушбу турида жавоб вариантлари ўзаро тартибланади;
- 7. Сонни киритинг:** саволнинг жавоби сифатида ўқувчи сонни киритиши керак;
- 8. Бўш жойларни тўлдиринг:** матндан битта ёки бир неча бўш жойларни керакли сўз билан тўлдириш талаб этилади;


9. Жавоблари келтирилган савол: саволнинг бўш қисмларида жавоблар варианtlари келтирилган бўлади, ушбу жавоб варианtlардан тўғрисини белгилаш мумкин.

10. Сўзлар банки: Матнинг бўш жойларига берилиган сўзлардан кераклиларини танлаб жойлаштирилади. Саволни қийинлаштириш учун сўзлар сонини бўш жойлар сонидан кўпайтириш мумкин.

11. Фаол худудни аниқловчи савол: Саволда расмдаги қайсиdir майдонни белгилаш вазифаси жойлаштирилган бўлиб, ушбу расмдаги худуд ўқувчи томонидан жавоб бериш жараёнида танланади.

iSpring QuizMaker дастури ёрдамида тестлар яратиш. Информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида.

Ispring QuizMaker модульини ишга тушириш қўйидагича амалга оширилади: ПУСК → Все программы → iSpring Suite → iSpring QuizMaker.




iSpring QuizMaker модулини ишга тушириш

Юқоридасанабўтилгантесттурларинияратиш кетма-кетлиги қўйидагича амалга оширилади:


1. Битта жавобли тест: Один. выбор

бу тест турида жавоб варианtlарини кераклича “Добавить” тугмаси ёрдамида кўпайтириш мумкин. Саволга тасвир, овозли файл ва видео файл қўшиш, жавоб варианtlарига тасвирили файлларни илова қилиш мумкин. “Удалить” тугмаси ёрдамида жавоб варианtlарини ўчириш мумкин.




Битта жавобли тест саволи интерфейси

2. Кўп жавобли тест: **Множ. выбор** бунда саволга тегишли бир ёки бир неча жавоб вариантини белгилаш мумкин. Бу тест туррида ҳам жавоб вариантларини кераклича “Добавить” тугмаси ёрдамида кўпайтириш мумкин. Саволга тасвир, овозли файл ва видео файл қўшиш, жавоб вариантларига тасвири файлларни илова қилиш мумкин. “Удалить” тугмаси ёрдамида жавоб вариантларини ўчириш мумкин.




Кўп жавобли тест саволи интерфейси

3. “Тўғри-нотўғри” қўринишдаги тест: **Верно/Неверно** Бу савол туррида жавоб фақат “тўғри” ёки “нотоғри” бўлиши мумкин, яъни бошқа жавоб вариантларини қўшиб бўлмайди.




“Тұғри-нотұғри” күринишидаги тест күрнишидаги савол интерфейси

4. **Ёпік тест:** **Бу** тест турида жавоб вариантини тест топширувчи клавиатурадан киритади. Аммо тузувчи барча киритилиши мүмкін бўлган жавоб вариантларини аввалдан киритиб қўйиши керак. Жавоб вариантига тасвир қўшиш мүмкін эмас.




Ёпік тест күрнишидаги савол интерфейси

5. **Ўзаро мослик ўрнатиш:** **Соответствие** | Жуда қызық тест тури хисобланиб, бир саволнинг ўзида бир неча саволлар банки йиғилган бўлади.




Ўзаро мослик ўрнатиши кўринишдаги савол интерфейси

6. Жавобларни тартиблаш: Тартибсиз ҳолда берилган жавобларни тўғри тартибда ёзиш керак бўлган ҳолда ушбу тест туридан фойдаланилади.



Жавобларни тартиблаш кўринишдаги савол интерфейси


7. Сонни киритинг: Сонли кўринишдаги жавоб берилиши керак бўлган саволлар учун ушбу тест туридан фойдаланилади. Бунда жавобда маълум сондан катта, кичик, катта ёки тенг, кичик ёки тенг, тенг эмас каби варианлардан фойдаланиш мумкин.



Сонни киритинг кўринишидаги савол интерфейси

8. Бош жойларни тўлдиринг: Пропуски

Бунда савол таркибидаги бўш жойларга керакли жавобларни клавиатура ёрдамида киритилади. Яъни тўгри жавобни кўрсатилган жойга ёзиш талаб этилади. Бунда тест тузувчи томонидан бўш жойлар битта ёки бир неча жойлаштириш мумкин



Бош жойларни тўлдиринг кўринишидаги савол интерфейси

9. Жавоблари Влож. ответы

келтирилган савол: саволнинг бўш

қисмларида жавоблар варианtlари келтирилган бўлади, ушбу жавоб варианtlардан тўғрисини белгилаш мумкин.

The screenshot shows the iSpring QuizMaker software interface. On the left, a list of questions is visible, with the 9th question highlighted. The main area displays a question with multiple choice answers: "Javob variantlari ichidan to'g'risini belgilang." Below the question, a dropdown menu for "Media type" is open, showing options: Multimedia (selected), Taqdimot, and Mediatallim. To the right, there are buttons for "Add image", "Add sound", and "Add video".

“Жавоблари келтирилган савол” кўринишидаги савол интерфейси

10. Сўзлар банки: Банк слов


Бу савол турида сўзларни керакли жойга жойлаштириш талаб этилади. Бўш жойлар ва ушбу жойлар сонига тенг сўзлар банки келтирилган бўлади.

The screenshot shows the iSpring QuizMaker software interface. On the left, a list of questions is visible, with the 9th question highlighted. The main area displays a question with a word bank: "Matnni to'ldiring." Below the question, a dropdown menu for "Active area" is open, showing options: Monitor, axborotlar, ekran, and da yoritib berishni ta'minlaydi. To the right, there are buttons for "Add field", "Delete field", and "Delete additional words".

“Сўзлар банки” кўринишидаги савол интерфейси

11. Фаол худудни аниқловчи савол: Акт. область

Бу савол турида расм берилади ва ушбу расмнинг керакли қисми жавоб сифатида белгиланади. Жавоб бериш жараёнида сичқонча ёрдамида керакли қисм танланади.




“Фаол ҳудудни аниқловчи савол” кўринишидаги савол интерфейси

Тестларбазасинисозлаш.

Тестларбазасигабарчасаволларни киритиб ўлингани дансўнг,

бажарилганиши электрон шаклда сақлашкерак бўлади. Тайёр бўлган электрон тестни сақлашдан олдин айрим созлашларни бажариш керак. Чунки бусозлашлар электрон тестдан фойдаланилаётган вақт да катта аҳамиятга эга. Бунингучун Испрингдастурининг юқоричап томони дажо йлашган



“Настройка” тут масибо силади.

Натижадаянги ой наҳоси лбўлади.

Буойнарўйхатининг биринчи банди

“Основные”

дебномланган.

Бубандда электрон тест ганом бериш,

тестдан ўтиш балини ўрнатиш,

тестни бажариш нинг максимал вақти ни ўрнатиш ватест бошланишдан олдиниз имт

опширувчининг гисмини ва электрон почта синис ўраш функцияларини қўшишим ко

ниятларимавжуд. Бундан ташқари ҳар бир тўғри жавоб учун максимал балл,

тизим тест топширувчиси томонидан барча тестлар топширилмаган ҳолатда


ҳам тестни тугатиш имкониятини ва ҳар бир саволга жавоб берилгандан

сўнгтўпланган баллни кўриш имкониятини ҳам ўрнатиш мумкин. Тестга

“Информатика фанидан тест” дебном берилди. Ўтиш балини умумий баллнинг 55

% миқдорида белгиладик. 20 тасаволучун 30 дақиқа этиб белгиланди.

Тест вақтида қолган вақтни кўрсатиб туриши белгиланиб қўйилди.



“Основные” бандинисозлашларнибажарииш

“Навигация”


бандиёрдамида тестсаволларигажавобберишусулларисозланади.

Бундабазадамавжудбарчасаволларгажавобберишёкианиқмиқдордагисаволлартү пламигажавоббериш,

ҳарбирсаволгатўриёкинотўрилигиҳақидамаълумотбериш,

жавоббериilmагантестсаволларимавжудбўлсадатестнияқунлашимкониятларинис озлашмумкин.


Ҳарбиржавобдаунингтўриёкинотўрилигинифойдаланувчигақўрсатибкетишму мкин. Ёкитесттопширувчибухарнитетнингохирдаолишиҳаммумкин



“Навигация” бандини созлашларни бажарииш


“Резултаты” банди ёрдамида тест натижасига тегишли маълумотларни созлаш имкониятини беради. Агар тест топшириқларни яхши топширган бўлса ёки етарли балл тўплай олмаса, қандай хабар чиқиши, жавобларни қоғозга чоп

қилиш имкониятини созлаш мумкин. Бундан ташқари тест жавобларини тест топширувчининг электрон почтасига жўнатиш имконияти мавжуд.



“Результаты” бандини созлашларини бажарииш

“Настройкалеера” банди ёрдами электрон тест топшириш интерфейсини ранги аниқланади.



“Настройкалеера” бандини созлашларини бажарииш

Барчасозлашларни бажаргандансўнг ОК тутгасибосилади.

Эндибемалол электрон тестни сақлашмумкин.

Бунингучундастурнинг юқори чаптомони дажойлашган “Публиковать” тутгасибосилади. Кейин янгиойна пайдобўлади.

Буойнада электрон тестдастурни сақлашкерак бўлган жойни


(бизнингмисол миздаиш столик ўрсатилган),

файлномини


(бизнингмисолмизда Информатикадан тест саволлари), файл типини (бизнингмисолимизда .эхе) вадастуройнаси ўлчами никур сатиш мумкин. Файл типи .эхе деб белгиланганда, автоматикравишида .swf форматда электрон тест сақланади. Шунинг учун бу электрон тестдан фойдаланиш учун Адобе Flash Плаер дастури ўрнатилган бўлиши шарт.

Сўнгра “Публиковать” тут масибосилади.

Дастур файлни автоматикравишишда кўрсатилилган жойга саклади.



дастурининг дастурининг “Публиковать” бандидасозлашларни бажарииш




Ишчи стодаяратилган ушбу файлни шгатушириб, тесттопширигинитопшириш мумкин.

Тестлар базасини бир неча усулларда сақлаш

Яратилган тестлар базасини тўрт хил усулда сақлаш имконияти мавжуд. web саҳифа, iSpring Online, LMS, Word саҳифаси кўринишида сақлаш мумкин. Тест формати сифатида html, exe, zip архив файлни танлаш, тест номини

ўзгартириш, қўлланилиш кўлами, сақланадиган ўрни, файл номи ва флаш ролик хусусиятини танлаб “**Публиковать**”тумасини босамиз.



Тестлар базасини бир неча усулларда сақлаши


Юқоридаяратилган тестлар базаси шунукўрсатадики,

анъанавий тестларга қарагандабутестдабирхиллик бўлмайдиваўкувчи лар габирму нчақизиқарлироқбўлади. Ундан ташқари бу интерактив тестларни расм, овозва формула лар ёрдамида бойитишим конияти мавжудлиги уларни яна дақизиқа рливаўкувчиникатта иштиёқ билани шлашгачор лайди. Оддий тестлардан фойдаланиш саволлари тузишда маълум бир чегарани ҳосил қиласди. Масалан, мусиқа фани ўқитувчиси факат назариядан саволлар тузиши мумкин, бу дастур ёрдамида бирор бир мусиқадан парча қўйиб саволлар тузиш имкониятини яратади. Бошқа ёъналишлар масалан, математика, физика, биология, география каби фан ўқитувчилари ҳам жуда қизиқ, интерактив тестлат тузиш имконияти мавжуд.


Бундан ташқари тестни компьютер тармоқлари орқали ҳам ўтказиш имконияти ва электрон почта орқали юбориш каби имкониятларининг мавжудлиги ҳозирги замонавий таълим талабларига ҳам жавоб беради.

3D - китоб яратши. Интерактивности қисмидагы 4 турдаги интерактив элементтернің яратыш мүмкін: китоб (Книга), глоссарий ёки каталог (Каталог), савол-жавоб (Вопрос-ответ), вақт шкаласы (Временная шкала). Интерактив элементтер ёрдамида ихтиёрий матнлардың ёки график ахбороттарды осонлайды.

Интерактив китоб яратыш учун Интерактивности бўлимида Книга танланади.




Дастур автоматик тарзда 3D-китоб макетини яратади.




iSpring дастури интерфейси Microsoft Office дастурларининг интерфейсига ўхшаш бўлиб, экраннинг юқори қисмида лента майдони мавжуд. Бу майдон тўртта вкладкадан иборат: книга, дизайн, вид ва справка. Ҳар бир вкладка таркибида шу вкладкага мос буйруқлар мавжуд.

Книга вкладкаси 5 блокдан иборат.



Страница блокида китоб сахифаларини яратиш ҳамда яратилган сахифалар нусхасини кўпайтириш (дублировать) ёки мавжудларини ўчириш. **Шрифт** блоки турли шрифтлардан фойдаланиш имкониятини беради ҳамда матнни таҳрирлаш ускуналаридан таркиб топган. **Рисование** блоки ёрдамида мос буйруқлар ёрдамида китобнинг биринчи сахифасига тасвир ва персонаж қўйиш мумкин.



Дизайн менюси ёрдамида китобнинг дизайни ва шаклини ўзгартириш мумкин.




Китоб саҳифаси учун ранг танлаш имконияти ҳам мавжуд.

Вид менюсида китоб таҳрирлаш жараёнида китобнинг ҳолатини созлаш мумкин.

Шундан сўнг 3D-китобни интернетга жойлаш ва фойдаланувчиларга тақдим этиш мумкин.

Главная менюсидаги

Публикация буйруғини ишга туширамиз ва интерактив китоб номи, ушбу



китобни сақлаш керак бўлган манзилни кўрсатамиз. **Сжатие** вкладкасида файлни сиқиши методини танлаймиз.

Китобни нашр этгандан сўнг, китобни браузер ойнаси ёки Adobe Flash Player ёрдамида кўриш мумкин.



Топшириқ

Мазкур дастур ёрдамида тест тузишнинг 10та туридан фойдаланиб фанингизга оид тестлар базасини яратинг ва фойдаланиш учун созланг.

2-амалий машғулот:

Мавзу: Электрон ҳужжат алмашиниш тизими

Ишдан мақсад. Таълимда тизиминида электрон ҳужжатлар билан ишлаш ва электрон ҳужжат алмашиниш тизимидан фойдаланишбўйича кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Назарий қисм

Электрон ҳужжат алмашиш. Одатда ҳужжатларни анъанавий тарзда алмашиш жараёнида почта хизмати муҳим рол ўйнайди. Чунки почта хизматининг асосий вазифаси жўнатмаларни ўз манзилларига этказиб беришдан иборатдир. Ушбу ҳолатда ҳужжатлар конвертга солинади ва алоқа бўлимига топширилади. Шундан сўнг почта хизмати ходимлари томонидан ҳужжат керакли манзилга жўнатилади ва етказилади.

Электрон ҳужжатларни алмашиш тизими эса анъанавий ҳужжат алмашиш тизимидан бироз фарқ қилинади. Бунда ҳужжат электрон кўринишида компьютер, телекоммуникация ва Интернет тармоғи орқали узатилади. Электрон ҳужжатларни алмашиш жараёнида маҳсус ихтисослаштирилган тизимлардан (Э-ҳужжат) ёки электрон почта хизматидан фойдаланилади. Электрон ҳужжат алмашиш тизимларида ҳужжатларни узатиш жуда тезкор амалга оширади.

Имзо ва унинг аҳамияти. Имзо – ҳужжатнинг ҳақиқийлигини ва юборган жисмоний шахсга тегишли эканлигини тасдиқлайдиган инсоннинг физиологик хусусияти. Имзо орқали инсоннинг шахси ҳамда у ёзган ҳужжатнинг ҳақиқийлиги аниқланади.

Мухр ва унинг аҳамияти. Мухр – ҳужжатнинг ҳақиқийлигини ва бирор бир юридик шахсга тегишли эканлигини тасдиқловчи исботдир. Муҳрлар ўзининг алоҳида шаклига эга бўлиб, асосан ҳужжатларнинг ва ундаги имзоларнинг асллигини тасдиқлайди.

Электрон рақамли имзо. Электрон рақамли имзо Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги 562-II сон Қарорига биноан қўйидагича таърифланади.

Электрон рақамли имзо - электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгартериш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

Электрон рақамли имзо - хабар ёки ҳужжат яхлитлигини ва муаллифининг ҳақиқийлигини текширишда қўлланиладиган ва шахс имзосини тўлалигича ўрнини боса оладиган ҳужжатга тегишли исботдир. У ахборот - коммуникация тизимлари орқали узатилаётган ҳужжатларни ва ахборотларни ҳақиқийлигини текширишда қўлланилади.

Электрон рақамли имзодан муҳр ўрнида фойдаланиш. Электрон рақамли имзодан муҳр ўрнида ҳам фойдаланиш ҳам мумкин, бунда фақат ва фақат ҳужжатга тегишли электрон рақамли имзо ҳужжатдаги барча ўзгаришларни ёки ўзгартеришларни кўрсатиб беради. Бунинг учун электрон рақамли имзо юридик шахс номига, яъни компания ва ташкилотлар номига руйхатдан ўтказилади.

Электрон ҳужжатнинг реквизитлари. Электрон ҳужжатнинг реквизитлари қўйидагилардан иборат: электрон рақамли имзо; жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми; жўнатувчининг почта ва электрон манзили; ҳужжат яратилган сана. Конун ҳужжатлари асосида ёки электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг келишувида бошқа реквизитлар ҳам белгиланиши мумкин.

Электрон калитлар ва сертификатлар. Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити - бу фақат ҳужжат муаллифига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзoni ҳосил қилиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги. Электрон рақамли имzonинг очиқ калити бу электрон ҳужжатнинг ким

томонидан юборилганлигини аниқлаш ва уни ҳақиқийлигини тасдиқлашда қўлланилиши мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги. Электрон сертификатлар - бу сертификация тизими қоидаларига биноан белгиланган талабларга қўра электрон рақамли имзо воситаларининг мувофиқлигини тасдиқлаш учун ҳамда электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг очик калитининг электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига руйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжат.

Электрон ҳужжат алмашиш тизимлари. Электрон ҳужжат алмашиш тизимлари Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги 611-II сон Қарорига биноан қўйидагича таърифланади ва фаолият юритади.

Электрон ҳужжат алмашиш тизимлари – электрон ҳужжатларни ахборот-коммуникация тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиш жараёнлари йиғиндиси. Электрон ҳужжат айланишидан битимлар (шу жумладан шартномалар) тузиш, ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотларни алмашишда фойдаланиш мумкин. Турли компанияларнинг автоматлаштирилган тизимлари орасида стандартлаштирилган шаклдаги иш ҳужжатларининг (буортмалар, ҳисоб рақамлари ва ш.к.) маълум шаклдаги электрон алмашинуви электрон ҳужжат алмашинуви тизимини белгилайди.

КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ

1-Кейс. Электрон хужжатнияратиш учун хужжатларни түплендингиз. Сайтга хужжатларни жойлаштиришда хатоликлар келиб чиқди, яъни формат түгри келмади.

Кейсни бажариш босқчилари:

Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўлларини жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гурухда).

Муаммо тuri	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

2-Кейс. Кўргазмали электрон хужжатни яратдингиз. Бошқа компьютерда тақдим этмоқчи бўлганингизда муаммо келиб чиқди, яъни дастур материалингизни очмади.

Кейсни бажариш босқчилари:

Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўлларини жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гурухда).

Муаммо тuri	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
МАВЗУЛАРИ**

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Таълим тизимини бошқаришда IspringSuite дастуридан фойдаланиб интерактив электрон сўровномалар банкини яратиш.
2. Таълим тизимини бошқаришда IspringSuite дастуридан фойдаланиб мутахассислик бўйича ўқув материалларини 3D китобда яратиш.

ГЛОССАРИЙ

Педагогик дастурий воситалар – компьютер технологиялари ёрдамида ўкув жараёнини қисман ёки түлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик восита ҳисобланади. Педагогик дастурий воситалар таркибига: ўкув фани бўйича аниқ дидактик мақсадларга эришишга йўналтирилган дастурий маҳсулот (дастурлар мажмуаси), техник ва методик таъминот, қўшимча ёрдамчи воситалар киради.

Ўргатувчи дастурлар – ўқувчиларнинг билим даражаси ва қизиқишлидан келиб чиқиб янги билимларни ўзлаштиришга йўналтиради.

Тест дастурлари – эгалланган билим, малака ва қўникмаларни текшириш ёки баҳолаш мақсадларида қўлланилади.

Машқ қилдиргичлар - аввал ўзлаштирилган ўкув материалини такрорлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дидактик талаблар- илмийлик, тушунарли, қатъий ва тизимли баён этилиши билан биргаликда (педагогика, психология, информатика, эргономиканинг асосий тамойилларини, замонавий фаннинг фундаментал асосларини ҳисобга олиб, ўкув фаолияти мазмунини қуриш имкониятини таъминлаш), узлуксизлик ва яхлитлик (илгари ўрганилган билимларнинг мантиқий оқибати ҳамда тўлдирувчиси ҳисобланади), изчиллик, муаммолилик, кўргазмалик, фаоллаштириш (ўқитиш мустақиллиги ҳамда фаоллилик хусусиятининг мавжудлиги), ўқитиш натижаларини ўзлаштириш мустаҳкамлилиги, мулоқотнинг интерфаоллилиги, ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш ва амалиётнинг яхлит бирлиги.

Методик талабларга қўйидагилар киради: аниқ ўкув фанининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, маълум бир фанинг ўзига хослигини ҳисобга олиш, ахборотни замонавий методлари ўзаро боғлиқлилиги, ўзаро алоқадорлилиги, турли-туманлиги, амалга оширилиши.

Психологик талабларга идрок этиш (вербал-мантиқий, сенсор-перцептив), тафаккур (тушунчавий-назарий, кўргазмали-амалий), диққати (қатъийлилиги, бошқага кўчиши), мотивация (ишлашда фаол шакллари, юқори

даражада кўргазмалилик, ўз вақтида қайта алоқа ёрдамида ўқувчиларнинг юкори даражадаги мотивацияларини доимий равишда рағбатлантириш), хотира, тасаввури, ёши ва индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш (эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиб, ўқув фани мазмуни ҳамда ўқув масалалари мураккаблик даражаси ўқувчиларнинг ёш имкониятлари ва индивидуал хусусиятларига мос келиши, ўқув материалини ўзлаштиришда ортиқча ҳис-ҳаяжонли, асабий, аклий юкламалардан таъсиrlанишдан ҳимоялаш) киради.

Техник талабларга замонавий универсал шахсий компьютерлар, ташқи қурилмалари, тест ўтказиладиган манбалар киради.

Тармоқ талаблариغا «мижоз-сервер» архитектураси, Интернет-навигаторлар, тармоқ операцион тизимлари, телекоммуникация, бошқарув воситалари (ўқитиши жараёнини индивидуал ва жамоавий ишлари, ташқи қайта алоқа) киради.

Эстетик талабларга қўйидагилар киради: тартиблилик ва ифодалилик (элементлари, жойлашиши, ўлчами, ранги), безашнинг функционал вазифаси ва эргономик талабларга мослиги.

Махсус талабларга қўйидагилар киради: интерфаоллик, мақсадга йўналганлик, мустақиллик ва мослашувчанлик, аудиолаштириш, кўргазмалилик, кириш назорати, интеллектуал ривожланиш, дифференциациялаш(табақалаштириш), креативлик, очиқлик, қайта алоқа, функционалилик, ишончлилик.

Эргономик талабларга қўйидагилар киради: дўстоналик, фойдаланувчига мослашиш, экран шаклларини ташкил этиш.

Асосий ўқув материалининг электрон шакли. Босма шаклда баён этилган асосий, тушунтирувчи, амалий матнларнинг овозли электрон версияси тақдим этилади.

Виртуал стендлар- ҳақиқий объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларларнинг электрон модели.

Электрон луғат-анъанавий «қоғозли» луғатга мос келувчи электрон ахборот манбаи. Компьютер версияда сўз ёки сўзлар гуруҳига маҳсус ажратилган кўрсатма билан исталган дастурдан чақирилиши мумкин. Анъанавий луғатлардан фарқли равишда электрон луғат матн ва графикавий тасвиirlар билан бир қаторда видео ва анимацион лавҳалар, товуш, мусиқа ва бошқалар билан бирга медиа-объектларнинг бутун спектрларини ўз ичига олиши мумкин.

Электрон тестлар-сақланган, ишлов берилган ва баҳолаш учун компьютер ёки телекоммуникацион техникаси ёрдамида тақдим этиладиган тестлар. Тестлар берилиши ўрганилган матнни талабанинг қанчалик даражада ўзлаштирганлиги ўз-ўзини баҳолаш имконини беради

Электрон топшириқлар - ўқитувчига таълим олувчиликнинг индивидул имкониятларини ҳисобга олган холда мустақил ва назорат ишлари учун тартибга келтирадиган топшириқлар мажмuinи ўзида акс эттирувчи ахборот манбасининг муҳим қўринишидир. Яратилган топшириқлар таълим олувчиликга анъанавий «қоғоз» ли ва электрон вариантларида тавсия этилиши мумкин.

Электрон назорат (тестлаштириш)- электрон ўкув адабиётининг компоненти бўлиб, анъанавий компьютерсиз тестлаштиришнинг аналогидир. Электрон тестлаштириш ҳолатида компьютер тест ва унинг натижаларини кўрсатиб беради, бу билан боғлиқ бўлган алгоритмларни жорий қиласди. (Масалан, бажарилган ёки ўтказиб юборилган топшириқларга қайтиш имкониятининг борлиги ёки йўқлиги, битта тестга вақтнинг чегаралангандиги ва ҳоказо).

Электрон дарслик – фаннинг ўкув ҳажмини тўлиқ қамраган ва масофавий ўқитиш ҳамда мустақил ўрганиш учун компьютер тсҳнологияларига асосланган, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўкув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб:

- ўкув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;
- ўкув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;

- мультимедиа (кўп ахборотли) элементлари, яъни маълумот икки-уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;
- тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади. Куйидаги схемада электрон дарсликнинг намунавий тузилмаси келтирилган.

Электрон ўкув қўлланма – фаннинг ўкув ҳажмини қисман ёки тўлик қамраган ва ахборотнинг адаптация блокини ўз ичига олган бўлиб, масофавий ўқитиш ва мустақил ўрганиш учун мўлжалланган ўкув манбаи.

Электрон услубий қўлланма – педагогик тажрибани умумлаштириш ва узатиш ҳамда таълим фаолиятининг янги моделларини шакллантириш ва тарқатиш шакли. Электрон услубий қўлланмада педагогик тажриба машғулотларнинг рақамлаштирилган видео-лавҳалари, электрон ёки унга ўтирилган шаклда яратилган талабалар ишларини дарслар бўйича режалаштирилган шаклида кўрсатилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бегимкулов У.Ш., Джураев Р.Х., Исянов Р.Г., Шарипов Ш.С., Адашбоев Ш.М., Цой М.Н. Педагогик таълимни ахборотлашириш: назария ва амалиёт, Тошкент: – 2011.
2. Тўрахонов Ф.Б., Хамидов В.С. Симуляторлардан фойдаланилган ҳолда физик жараёнларни моделлашириш”. Таълим муасссаларида электрон ахборот-таълим муҳитини шакллантиришнинг долзарб масалалари. ЎзМУ. – Тошкент: 2011.
3. Хамидов В.С. Физикани масофали ўқитишида виртуал лабораториясидан фойдаланиш. Ёш олимлар ва иқтидорли ўқувчиларининг илмий ишлари тўплами. (Физика, механика-математика, компьютер технологиялари), Тошкент: 2005. – 204 б.
4. Хамидов В.С., Тигай О.Э. Физикани ўқитишида симуляторлардан фойдаланиш. Физика ва астрономия муаммолари. Ўқитиш методикаси. Республика илмий ва илмий-методик конференция материаллари тўплами, 2010 йил 12-13 март. Тошкент: 2010. – 294-496 б.
5. Деҳканов Ш. Симулаторлар: ўқув юртларида қўллаш перспективалари, <http://uz.infocom.uz/>
6. И.Альджанова ЃЎқув портфолиоси – бўлажак ўқитувчиларда касбий компитентликни шакллантириш воситаси сифатида|| Педагогик таълим жўрнали, 2012 йил 4-сон, 46-бет.
7. С.Мусаева ЏПортфолионинг мақсад ва моҳияти|| Педагогик таълим жўрнали, 2013 йил 1-сон, 20-бет.
8. У.Бегимкулов, Т.Шоймардонов и др. Информационно-методическое обеспечение непрерывности образовательного процесса на основе электронного сопровождения. Материалы международной конференции. Санкт-Петербург (Россия), 2012 год, 5 стр.
9. Arafeh, S. The implications of information and communications technologies for distance education: Looking toward the future / S. Arafeh. — Arlington, VA: SRI International — Final Report. — 2004.

10. Bates, A.W. Distance education in a knowledge-based society / A.W. Bates // A keynote address in the ICDE Conference on The Metamorphosis of Distance Education in the Third Millennium — Toluca, Mexico. — 2007.
11. Bullen, M. Digital Learners in Higher Education: Generation is Not the Issue / M. Bullen, T. Morgan, A. Qayyum, // Canadian Journal of Learning Technology – 2011 — № 37(1).
12. Donhue, B. Faculty and administrators collaborating for e-learning courseware / B.Donhue, L. Howe-Steiger // EDUCAUSE Quarterly — 2005 — №28 (1). — p.20-32.
13. E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC 2013.
14. Evaluation of Evidence - Based Practices in Online Learning: A Meta-Analysis and Review of Online Learning Studies. U.S. Department of Education Office of Planning, Evaluation, and Policy Development Policy and Program Studies Service, 2010.
15. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. Олий таълим муассасалари учун/ А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Хамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. ЎзМЭ давлат илмий нашриёти.-Т.: 2008, 196 б.
16. Нишонов А.Х. ва бошқалар. Таълима эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар, Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари, республика илмий-техник конференцияси, Тошкент 2012 й.121-123 б.
17. А.А. Абдуқодиров, А.Х. Пардаев. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. –Т. Фан, 2009.
18. Яремчук С. Система управления обучением Claroline. //Системный администратор, №7 июль 2008 г. – С 82-85.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий сайти - www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги расмий сайти - www.uzedu.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ расмий сайти - www.bimm.uz
4. Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази сайти - www.giu.uz.
5. ZiyoNetaxborot таълим портали -www.ziyonet.uz.
6. Infocom.uz электрон жўрнали сайти - www.infocom.uz.